




Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан



Косонликлар қалби



Боланинг бегонаси бўлмади



Россияда ўзбек киноси кунлари



№81-82
2019-йил, 8-октябр
Seshanba (32.572)

O'zbekiston O'VOZI

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВАКИЛЛАР ПАЛАТАСИ РАИСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni Тожикистон Республикаси Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси Шукржон Зухуров бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни кутлар экан, ўзаро ишончга асосланган олий даражадаги мунтазам мулоқотлар икки томонлама ҳамкорликни мисли кўрилмаган юксак даражага кўтаришга хизмат қилганини катта мамнуният билан қайд этди.

Шу муносабат билан Тожикистон парламенти делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик, яхши кўшничлик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Юксак мартабали меҳмон, ўз навбатида, Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмоннинг саломи ва эзгу тилаklarини етказди.

Учрашувда ўзаро алоқалар барча даражаларда фаоллашгани қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортмоқда, sanoat, энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги

ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Чегарадош ҳудудлар ўртасида, маданий-гуманитар соҳада алмашинувлар кенгаймоқда.

Парламентларо алоқаларни мустаҳкамлашга муҳим аҳамият қаратилмоқда.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш мақсадида кўмиталар ва парламентларо гуруҳлар даражасида яқиндан ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув сўнггида Шукржон Зухуров Тожикистон парламенти қардош мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида дўстлик ва стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашга ҳар томонлама кўмаклашишга тайёр эканини таъкидлади.

Тожикистон Олий Мажлиси Вакиллар палатаси раиси жорий йил декабрь ойида мамлакатимиз парламенти сайловлар муваффақиятли ўтишини тилади.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан телефон орқали мулоқот қилди.

Сўхбат аввалида давлатимиз раҳбари россиялик ҳамкасбини тугилган кuni билан самимий муборакбод этиб, унга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва катта зафарлар тилади.

Президент Владимир Путин раҳбарлигида Россиянинг барқарор тараққиёти таъминланаётгани, аҳоли фаровонлиги муттасил ошиб, мамлакатнинг халқро майдондаги ўрни ва нуфузи мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани, бугунги кунда улар сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойиганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Давлат раҳбарлари эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни ўз вақтида амалга ошириш, ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, инвестиция, фан-техника, транспорт-логистика, қишлоқ

хўжалиги ва бошқа устувор соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш муҳим эканига эътибор қаратдилар.

Президентлар самарали парламентларо, ҳудудларо ва маданий-гуманитар алоқаларни давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Халқларо ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди, шунингдек, бўлажак олий даражадаги тadbирлар режаси кўриб чиқилди.

Мулоқот сўнггида давлат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги дўстлик ва кўп қиррали шерикликни мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги йўлида янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини тасдиқладилар.

ЎЗА

ФОНД БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni фонд бозорини ривожлантириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Қимматли қозғалар бозори иқтисодийдаги бўш пул маблағларини жамлаш ва уни инвестиция жараёнларига йўналтиришнинг муҳим воситасидир. Бу борадаги ишловларнинг дастлабки босқичи сифатида жорий йил бошида Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Давлат облигациялари фонд бозорига қайта чиқарилди.

Лекин қимматли қозғалар чиқариб, уларни фонд бозорига сотиш механизмида самарали фойдаланилмапти. Фонд бозоридagi акцияларнинг жами қиймати 25 триллион сўм бўлиб, ялли ички маҳсулотга нисбатан 6 фоизга ҳам етмайди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз, Россияда 34 фоизни ташкил этади.

Мамлакатимизда жорий йилда чиқарилган давлат облигациялари валюта биржаси орқали фақатгина тижорат банкларига сотилган. Фонд бозорининг профессионал иштирокчилари сони юзтагача бўлмади. Шу боис 2020-2025 йилларда фонд бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш режалаштирилган. Эркин муомаладаги жами қимматли қозғаларнинг ялли ички маҳсулотга нисбатини 2025 йил охирига қадар камида 10-15 фоизга етказиш мўлжалланган.

Йиғилишда бунинг учун амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Бугунги кунда бу соҳа 100 га яқин норматив ҳужжатлар билан тартибга солиниб, кўплаб чекловлар ўрнатилган. Масалан, ривожланган давлатларда банклар фонд бозорининг фаол иштирокчиси ҳисобланади, юртимизда эса банкларга бошқа субъектларнинг акцияларини бирламчи бозорда харид қилиш тақиқланган.

Давлатимиз раҳбари қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, ортинча чекловларни бекор қилиш ва фонд бозорини ишлашни соддаштириш зарурлигини таъкидлади.

Бугунги кунда 605 та акциядорлик жамияти акцияларининг 85 фоизи давлат-

га тегишли. Шундан 105 та жамиятнинг атиги 5 фоиз акцияси фонд бозорига иштирок этмоқда. Жаҳон амалиётини келиб чиқиб, капитал бозорига муомалада бўлган қимматли қозғалар турларини кўпайтириш бўйича топшириқлар берилди.

Қимматли қозғаларга бўлган талабни кўпайтириш, хорижий биржа, брокер ва банкларни мамлакатимиз фонд бозорига жалб этиш чоралари муҳокама қилинди. Суғурта компанияларига активларининг маълум фоизини фонд бозорига йўналтириш, банкларга бирламчи бозорда юқори ликвидли қимматли қозғаларни харид қилиш учун руҳсат бериш масалалари кўриб чиқилди.

Инвесторлар ва миноритар акциядорлар ҳуқуқи ҳимоясини кучайтириш, дивиденд тулаш ва ундиришни тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди. Бундан ташқари, корпоратив бошқаруви ривожлантириш, халқро молиявий ҳисобот ва халқро аудит стандартларига ўтиш бўйича топшириқ берилди.

Соҳа ривожига муваффақиятлар малакаси ва аҳолининг бу борадаги саводхонлиги ҳам боғлиқ. Бугунги кунда юртимизда тегишли малака гувоҳномасига эга атиги 300 нафар мутахассис бор. Ривожланган мамлакатларда бу соҳада минглаб кишилар ишлайди.

Шу боис Капитал бозорини ривожлантириш агентлигига Тошкент молия институтининг тегишли кафедрасини оталиқча олган ҳолда, илғор хорижий муассасалар билан ҳамкорликда кадрлар малакасини ошириш ва талабаларни ўқитиш вазифаси қўйилди.

Фонд бозоридagi ўзгаришлар ҳақида кўпроқ ахборот бериб бориш, аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШКЕНТДА ЙИГИЛДИ



Пойтахтимизда Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши мажлиси ҳамда Инвестиция ва бизнес форуми бўлиб ўтди.

Мазкур анжуманлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил сентябрь ойида кенгашнинг Чўлпонота шахрида бўлиб ўтган саммитида илгари сурилган ташаббуси доирасида илк бор ташкил этилди. Тадбирда Туркий кенгашига аъзо мамлакатлар ишбилармон доираларининг 300 нафарга яқин, шунингдек, Ўзбекистон томонидан вазирлик ва идоралар, тadbirkorлик субъектларининг 200 дан ортик вакили иштирок этди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Адҳам Икромов меҳмонларни кутларкан, Туркий кенгаш аъзо давлатлар ўртасида амалий ҳамкорликни, биринчи навбатида, савдо, инвестиция, инновация, транспорт, туризм, маданий ва гуманитар алмашинув соҳаларини ривожлантиришга ёрдам берувчи самарали минтақавий тузилма эканини таъкидлади.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши бош котиби Бағдат Амреев, ўз навбатида, Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши, иқтисодийни либераллаштириш, ишбилармонлик ва сармоявий муҳитни яхшилаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларни юқори баҳолади.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши ўз атрофида туркий давлатларни бирлаштирган йирик халқро ташкилотдир. Тузилманинг асосий мақсади аъзо мамлакатлар ўртасида ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Айни пайт кенгашга тўрт давлат — Озарбайжон, Қозғистон, Қирғизистон ва Туркия аъзо. Венгрия кузатувчи макomiга эга. Ташкилот тарихига Истанбулда жойлашган Давлат раҳбарлари кенгаши, ташқи ишлар вазирлари кенгаши, юқори мартабали шахслар кўмитаси, Туркийзабон давлатлар оқсоқоллар кенгаши ва котибият қиради.

Давоми 2-бетда. ▶

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ ИЖРОСИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кuni хорижий мамлакатлар билан эришилган келишувлар ижроси, янги инвестициявий ва ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Дастлаб Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликдаги инвестиция лойиҳаларининг ижроси кўриб чиқилди. Жорий йил март ойида давлатимиз раҳбарининг ушбу мамлакатга расмий ташрифи жуда самарали бўлган, эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича апрель ойида "йўл харитаси" ишлаб чиқилган эди.

Ундан кўлаб истиқболли лойиҳалар ўрин олган. 300 миллион доллар эвазига Самарқанд шаҳри инфратузилмасини ривожлантириш, Навоий вилоятида 200 миллион долларлик шамоил ва 150 миллион долларлик кўйиб электр станциялари қуриш, 203 миллион доллар эвазига Сирдарё вилоятида целлюлоза, омухта ем ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи агросаноат кластери ташкил этиш лойиҳалари шулар жумласидандир.

Мутасаддилар инвестиция ўзлаштирилиши бошланган лойиҳалар ижросининг бориши бўйича ҳисобот берди. Шунингдек, нефть-газ, кимё, энергетика, мева-сабзавотларни қайта ишлаш соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги ишларнинг, қурилажак завод ва корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятига эътибор қаратиб, уларни

тез ва пухта амалга ошириш позимлигини таъкидлади. Янги лойиҳалар бўйича музокараларни яқунлаш, қурилиш ишларини бошлаш бўйича тегишли топшириқлар берди.

Маълумки, жорий йил охирида Президентимизнинг Японияга ташрифи режалаштирилган бўлиб, унга тайёргарлик доирасида Токио билан энергетика, транспорт, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига доир келишувларга эришилган.

Кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, япон технологиялари асосида электростанция қуриш, сув тозалаш ва сув таъминоти тизимини модернизация қилиш, шаҳар қатновига мўлжалланган электробуслар ишлаб чиқаришга оид лойиҳалар бўйича музокаралар олиб борилмоқда.

Ушбу олий даражадаги ташрифга тайёргарлик ҳамда Япония билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ҳолати бўйича маълумот берилди.

Йиғилишда жорий йил январь-сентябрь ойларида экспорт ва инвестиция прогноз кўрсаткичларининг ижроси ҳолати ва йил якуни бўйича ушбу йўналишларда амалга оширилиши зарур бўлган чоралар ҳам кўриб чиқилди. Тўққиз ойликда экспорт ҳажми қарийб 10 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, режа ошири бажарилди. Экспорт номенклатураси 74 та янги турдаги маҳсулот, географияси 42 мамлакатга кенгайди. Уши суръати асосан мева-сабзавотчилик, тўқимачилик, автомобилсозлик, энергетика

тармоқлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, айрим ташкилот ва ҳудудларда режалаштирилган прогноз бажарилмагани қайд этилди. Йил якунига қадар бу борадаги қўлоқликни бартараф этиш, барча тармоқ ва ҳудудлар бўйича экспорт прогнозини бажариш юзасидан топшириқлар берилди.

Йиғилишда Қўқон ва Марғилон шаҳарларини 2020-2022 йилларда комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳам муҳокама қилинди. Дастурга мувофиқ, Қўқон шаҳрида умумий қиймати 420 миллион долларлик 250 та, Марғилон шаҳрида 192 миллион долларлик 172 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Ажратилаётган инвестициялар ушбу шаҳарлар инфратузилмасини ривожлантириш, ижтимоий шароитларни яхшилаш ва янги турар жойлар қуришга йўналтирилади. Президентимиз мазкур уч йўналиш Қўқон ва Марғилон шаҳарларини ҳар томонлама янгилаш, одамлар ҳаёт сифатини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган Туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгаши ва инвестиция форуми якунларига ҳам эътибор қаратилди.

Авал берилган топшириқлар ижроси юзасидан мутасаддиларнинг ахбороти тингланди ва келгусида амалга ошириладиган устувор вазифалар белгилаб олинди.

ЎЗА

ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, КЕЛАЖАГИМСАН, ОНА ТИЛИМ!



Бўхоро шаҳридаги 38-умумтаълим мактабининг ўзбек тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Азиза Олимова ўқувчилари билан.

«ТИЛ– МИЛЛАТНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ КўРСАТАДУРҒОН ОЙНАИ ҲАЁТИ»

Миллатнинг тараққиёт даражаси миллий тилнинг халқро миқёсдаги нуфузига кўра белгиланади. Тил бундай мавқега эришмоғи учун унинг ривожига давлат сиёсати макomiда эътибор кўрсатиш зарур. Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 4 октябрь кuni «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида» Қонуни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида» тарихий қарор имзолангани она тилимиз равнақига юксак эътиборнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Бугун Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичи — бўлган миллий юксалиш даврига қадам қўяётим. Бу эса, миллий тил ривожига ана шу

миқёсдаги ёндашуви тазо эътибори. Тил равнақининг асосий омиллари, бизнингча, қуйидагилардир:

- 1) она тили тақдирини учун қуйиғиш ҳисси миллиятнинг ҳар бир вакили қалбига қўчиши;
- 2) тил илмининг миллий негизда ривожланиши;
- 3) замонавий техника-технологиялар ва тилнинг ўзаро тенг таъсир асосида тараққиёт этиши;
- 4) миллий адабий тилда яратилган адабиётнинг равнақи.

Давоми 2-бетда. ▶

Тарихимсан, тақдиримсан, келажагимсан, она тилим!

ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ ЭКСПЕРТЛАР ТОМОНИДАН БЕШ КУН МУДДАТДА ТЕКШИРИЛАДИ

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини ҳамда сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳларини тузиш каби масалалар кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг кайд этишича, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 ҳудудий сайлов округи тузилади. Хар бир сайлов округидан битта депутат сайланади. Олдинги сайловларда Экоҳаракат депутатлар гуруҳига 15 ўрин қотлангани сабабли 135 та сайлов округи тузилар эди.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш бўйича сайлов округлари чегаралари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг маъмурий-ҳудудий тузилиши инobatта олинган ҳолда, қоида тарқасида, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудига сайловчилар сони тенг ҳолда белгиланади.

Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш учун 60 дан кўп бўлмаган сайлов округи, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиш учун 30 дан кўп бўлмаган сайлов округи тузилади.

Сайлов кунига қадар мамлакатимизда овоз бериш ҳуқуқига эга сайловчиларнинг умумий сони тахминан 20 миллион 600 минг атрофида бўлишидан келиб чиқиб, хар бир сайлов округидан ўртача сайловчилар сони 137 минг 279 тага тўғри келмоқда. Хар бир сайлов округи тенг сайловчиларга бўлинапти. Олдинги сайловларда баъзи бир округлар 20-30 фоиз кўп сайловчиларга эга бўлар эди.

Сайлов кодексига белгиланган нормалар доирасида маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун сайлов округлари сони тегишли маҳаллий Кенгаш томонидан аҳоли, сайловчилар сони, ҳудуд ва бошқа маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Сайлов округларини тузишда сайлов округларидаги сайловчилар сони,

нинг йўл кўйилмаган энг кўп четта чиқиши, қоида тарқасида, 10 фоздан ошмаслиги керак.

Сайлов округларининг рўйхатлари уларнинг чегаралари, сайловчилар сони ва округ сайлов комиссияларининг жойлашган ери кўрсатилган ҳолда сайловдан камид 75 кун олдин тегишли сайлов комиссияси томонидан эълон қилинади.

Мажлисида комиссия аъзолари сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини текширувчи Эксперт гуруҳларини тузиш масаласини ҳам кўриб чиқди.

Сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганини Марказий сайлов комиссияси томонидан 5 кунлик муддатда текширилади. Сайловчилар имзолари зарур сонининг камид 15 фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилади.

Марказий сайлов комиссияси имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи Эксперт гуруҳини тузиш мумкин. Эксперт гуруҳи таркибига икки ишлар, аслида органларининг мутахассислари, шунингдек, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб этилади. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари иштирок этади.

Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари кўнун бузилган ҳолда тузилгани аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларини бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади.

Қўллаб-қувватловчи шахсларнинг (сайловчиларнинг) имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб қолса, мазкур имзо варақалари тўғрича ҳақиқий эмас, деб топилади. Бундай вазиятда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга сайловда иштирок этиш ҳуқуқини рад этади.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири.

Сайлов – 2019

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛДИ

Сайловолди ташвиқоти – бу сайлов кампаниясининг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб, бир ойдан ортқ вақт давом этади. Яъни сайловга 35 кун қолганида бошланиб, бир кун қолганда тўхтатилади. Айнан сайловолди ташвиқоти даврида сиёсий партиялар ва номзодлар сайловчиларнинг овози учун кураш майдонига чиқиб, ўзаро рақобат қилади. Якунда сайловчилар қайси партия ва номзодга овоз бериш тўғрисида узи-қисил бир тўхтама қелади.

Шуни инобатга олган ҳолда янги тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйиларди. Мазкур қоида Сайлов кодексидан чиқариб ташлангани сабабли, нисом лойиҳасида сайловолди ташвиқоти материалларини сайлов куну ва овоз беришга бир кун қолганида олиб қўйилиши мажбурий ҳисобланмайдиган бўлди.

Депутатликка номзодларга ва уларнинг ишончли вакилларига сайловолди ташвиқоти олиб боришда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун тенг шароитлар бериларди. Ушбу жараёнлар номзодлар ва уларнинг ишончли вакиллари томонидан мустақил равишда ўтказилади. Номзод ёки унинг ишончли вакили бошқа номзод ёки унинг ишончли вакили билан биргаликда сайловчилар билан учрашувлар ўтказишга ёхуд бошқа номзод томонидан ташкил этилган сайловчилар билан учрашувларда иштирок этишга ҳақиқ бўлади.

Сайловларнинг очиклик, ошкоралик каби умумэтироф этилган демократик тамойилларга мувофиқ ўтказилишида оммавий ахборот воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида мазкур масалаларга доим алоҳида эътибор қаратиб келди. Улар аҳолининг сиёсий фаолиятини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги ишқорини кенгайтиришга фазл ёрдам бермоқда.

Маҳмуд ИСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раиси ўринбосари. ЎЗА

«ТИЛ– МИЛЛАТНИНГ ДУНЁДА БОРЛИГИНИ КЎРСАТАДУРГОН ОЙИНАИ ҲАЁТИ»



Мабодо мазкур омиллардан бирортаси мавжуд бўлмаса ҳам, тилинг ривожини ҳақиқатга яқинлашасиз. Мана бу биткини кўрганнингизда эса дилнингиз хуфтон бўлади: «Халокат болғаси. Халокат содир бўлганда, ён ойналар ҳалокат болғаси ёрдамида синдириллади!». Хой, нафасинг иссиқ бўлур, «халокат» сўзи қандай маъно англатишини наҳот билмасан! «Халокат содир бўлганда...» одамнинг руҳи танасини тарқ этади. Наҳотки, яхши ниятда «Кутулми болғаси» ёки «Наҳот болғаси» деб аташ мумкин бўлмаса?!

Бундай мисолларни саножис келтириш мумкин. Пойтахтдан тортиб барча йирик шаҳарларимизда кўча лавҳалари ажнабий тилларда ёзилишига алпақчон кўниб бўлганмиш... Назаримизда, буюк миллатларвар бобоклонимиз ҳазрат Алишер Навоий қарий олти юз йил наридан: «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» дея биз авлодларга таънали нигоҳларини тикиб тургандек...

Бугунги кунда атамашунослик (тилшунослар таъбирида «терминология») оқсаб қолди. Тадбиркорлар, хусусий ва қўшма корхоналар, нодавлат ташкилотлар ном қўйиш, рекламада бирор мутахассис билан маслаҳатлашмай, ўзлари хоҳлаганча йўл тутяпти. Халқимизнинг севикли шоири, Ўзбекистон Қарамонин Эркин Воҳидов айнан атамаларни тартибга солиш зарурияти ҳақида мана бундай ёган эди: «Кейинги шеърларимда она тилимиз тўғрисида ёганларим Мароқаш сафарига тугилди, десам қўллар ажабланиши мумкин. Муносабат ҳақиқатан ҳам узок. Лекин гап шундаки, Мароқашдаги Араб тили марказини кўриб, у ерлик олимлар араб тилини чуқур ўрганиш, уни янги атамалар билан бутун дунёда тарғиб қилиш борасида шундай ишлар қилишмоқдаки, очигини айтганда, ўзбек тилшуносларидан хафа бўлиб кетасан киши. Бу марказда вақт-вақти билан барча араб мамлакатларидан тилшунос олимлар йиғилиб, дунё тилларида янги пайдо бўлган атамаларни араб тилида қандай ифода қилиш устида, умуман турли

жуда яхши. Кўтаринки кайфиятда чиқиб эшигига яқинлашасиз. Мана бу биткини кўрганнингизда эса дилнингиз хуфтон бўлади: «Халокат болғаси. Халокат содир бўлганда, ён ойналар ҳалокат болғаси ёрдамида синдириллади!». Хой, нафасинг иссиқ бўлур, «халокат» сўзи қандай маъно англатишини наҳот билмасан! «Халокат содир бўлганда...» одамнинг руҳи танасини тарқ этади. Наҳотки, яхши ниятда «Кутулми болғаси» ёки «Наҳот болғаси» деб аташ мумкин бўлмаса?!

Бундай мисолларни саножис келтириш мумкин. Пойтахтдан тортиб барча йирик шаҳарларимизда кўча лавҳалари ажнабий тилларда ёзилишига алпақчон кўниб бўлганмиш... Назаримизда, буюк миллатларвар бобоклонимиз ҳазрат Алишер Навоий қарий олти юз йил наридан: «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» дея биз авлодларга таънали нигоҳларини тикиб тургандек...

Бугунги кунда атамашунослик (тилшунослар таъбирида «терминология») оқсаб қолди. Тадбиркорлар, хусусий ва қўшма корхоналар, нодавлат ташкилотлар ном қўйиш, рекламада бирор мутахассис билан маслаҳатлашмай, ўзлари хоҳлаганча йўл тутяпти. Халқимизнинг севикли шоири, Ўзбекистон Қарамонин Эркин Воҳидов айнан атамаларни тартибга солиш зарурияти ҳақида мана бундай ёган эди: «Кейинги шеърларимда она тилимиз тўғрисида ёганларим Мароқаш сафарига тугилди, десам қўллар ажабланиши мумкин. Муносабат ҳақиқатан ҳам узок. Лекин гап шундаки, Мароқашдаги Араб тили марказини кўриб, у ерлик олимлар араб тилини чуқур ўрганиш, уни янги атамалар билан бутун дунёда тарғиб қилиш борасида шундай ишлар қилишмоқдаки, очигини айтганда, ўзбек тилшуносларидан хафа бўлиб кетасан киши. Бу марказда вақт-вақти билан барча араб мамлакатларидан тилшунос олимлар йиғилиб, дунё тилларида янги пайдо бўлган атамаларни араб тилида қандай ифода қилиш устида, умуман турли

тиллар билан араб тилининг ўзаро алоқалари хусусида илмий кенгаш ўтказилар. Иқтисодий терминларга ҳам, илмий-техник терминларга ҳам эквивалент топадилар. Бизнинг тилшунослик марказимиз нима билан шуғулланади, Худонинг ўзи биларди... «Тилга эътибор – элга эътибор» деймиз-у ҳеч биримиз тилимиз имкониятларидан тўлароқ фойдаланишни ўйламаймиз...»

Бизнингча, фан-техника ва технологиялар жадал ривожланаётган бугунги кунда ҳаёtimизга кириб келаётган хар бир атамани она тилимиз табиғатиға мос тарзда қабул қилиш, атамаларни мувофиқлаштириш учун ушбу масалада ваколатли давлат муассасаси фаолиятини йўлга қўйиш зарурати бор.

Тил кун маънода тараққий этиши учун тилшунослик миллий неғизда ривожланиши зарур. Афсуски, бу борада ҳам мактанарли ахволда эмасмиз. Бугун тилшуносликда компьютер лингвистикаси деган алоҳида илмий йўналиш пайдо бўлди. Шақланиши ва ривожланиши тўла маънода миллий мустақиллигимиз билан боғлиқ бўлган ўзбек субстанциал тилшунослиги борасида муайян ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шу йўналиш заминида юзага келаётган градуал лингвистика бўйича тадқиқотлар олиб борилаётар. Ўзбек заминида шақлланган бу тилшунослик натижаларидан Фарб мамлакатларида, хусусан, Германияда замонавий «WorShat» интернет пултларини тузишда кенг фойдаланилмоқда. Мутахассислар фикрича, бу тилшунослик ютуқларини илгга жорий этиш дунё миқёсда то маънодаги янги илмий ўзбек тилшунослиги шақлланиши учун замин яратарди.

Бундан ташқари, тилшунослик ва социология кесилувида юзага келган социология, психология ва тилшунослик синтезда майдонга чиқётган психоллингвистика тобора ривожланаётар. Тилшунослик ва табиий фанлар деган алоҳида илмий йўналиш шақлланди ва у фан сифатида ўқитилмоқда. Тилшунослик ва медицина, жумладан, психотерапия ва нотикли санъати, шунингдек, тилшунослик ва психиатрия, яъни турли руҳий касаллик ҳолатидаги нутқий хусусиятлар масалаларини тадқиқ қилиш; математик методларнинг тилшуносликка ўтиши, бошқача айтганда, ақтимонлик назарияси ва статистик методдан фойдаланиш муаммоларини ана шу фан ўрганади. Бундан ташқари, лингвогеография, яъни тилшунослик ва картография, шевашунослик ҳамда ареал лингвистика масалалари ҳам шулар жумласидандир.

Булар – ютуқларимиз. Улар шубҳасиз ўзимизники. Бирок... Модомки она тилимиз маърифат ҳозиридан ҳам юксалишини хоҳлар «канмиш, камчиликларимизни» ҳам эътироф этишимиз керак. Уларни тузатиш чораларини кўрмоғимиз зарур. Мен тилшуносликнинг жамият ривожига таъсирини назарда тутяпман. Бугун гўё «Тилшунослик – тилшунослик учун» деган қоида амал қилаётгандек тасаввур уйғонади. Ваҳоланки, тилшунослик ва иқтисодий воқелик ўзаро мутаносбликда,

ўзаро таъсир асосида ривожланиши сир эмас. Хўш, тилшуносликнинг илмий натижалари бугунги кунда ўқув жараёнидан бошқа (аслида, бу борада ҳам муаммолар етарли) қайси жабҳага фазл татбиқ этиляпти?

Тахлиллар шуни кўрсатадики, бугун филология соҳасида энг кўп диссертациялар замонавий тилшунослик муаммоларини бўйича ҳимоя қилинапти. Лекин уларнинг амалиётга татбиғи қонирлими? Таассуфки, бу саволга берилмаган жавоб биз кутган даражада ижобий эмас. Ўзбек тилшунослиги бўйича ҳимоя қилинаётган диссертацияларни ўзбек тилига таржима қилиш зарурати пайдо бўлганда, Аксар ҳолларда инглиз, немис ва ҳоказо халқлар тилшуносларининг тадқиқотларидаги назарий қарашлар ҳеч бир ўзгаришсиз олинб, ўзбек тилидаги мисоллар билан тўлдириляпти ҳамда бунинг учун илмий даража талаб қилинапти. Бошқача айтганда, миллатнинг руҳи бўлган миллий тилшунослик уни «воситай жоҳ» этганларнинг қасрига таназзул юз тутаяпти. Айрим тилшуносларимиз эса аҳолини ўнглаш учун ҳаракат қилиш ўрнига соҳанинг реанимацияга тушгани ҳақида бонг уришдан нарига ўтмаяпти.

Олдимизда турган асосий вазифалардан бири — бугунги кунда жаҳон миқёсда кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиб билан боғлиқ. Бунинг учун ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш зарур. Чунки саналган барча муаммоларнинг ечими шунга боғлиқ. Зеро, жаҳон аңдозлари талабларига жавоб беришчи, хар томонлама мукамал, қулай ва оммабоп ахборот (компьютер) услуби яратилганидан сўнггина бошқа муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади.

Бир неча йил муқаддам «Дунёвий ўзбек тили» китоби босмадан чиққан эди. Унда ўзбек тилидаги биргина «ишламоқ» феълнинг тахминан юз минг шакли (лексик грамматик парадигмалари) рус ва инглиз тилларига ўпирилган. Инглиз тилида эса бу феълнинг бор йўғи 100 та шакли борлиғи маълум. Мана сизга қиёс: 100 000 та ва 100 та.

Тил, улғу маърифатвар Абдулла Лоқоний таърифларидек «Миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинаи ҳаёти». Миллатнинг юзи булган ойинаи доғлардан пок тутуш хар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, ўзини ҳурмат қилган, эртанги куну ёруғ ва нури бўлишини, халқор миқёсда ўз сўзини айтишни истаган хар бир миллат тил тараққийига устувор аҳамият бермоғи шарт ва зарурдир. Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев «Изолабган тарихий қарорни уйғунда она тилимиз тақдири, тараққийи билан боғлиқ ана шу фикрлар ҳавлимдан ўтди.

Нурбой ЖАББОРОВ, филология фанлари доктори, профессор

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ИШБИЛАРМОНЛАРИ ТОШКЕНТДА ЙИГИЛДИ

– Мамлакатимизни туркий тилли давлатлар билан кўп асрлик тарих боғлаб туради, – дейди анжуманда кузатувчи сифатида қатнашаётган давлат – Венгрия вакили, Будапешт Савдо-саноат палатаси бошқаруви аъзоси Йозеф Ковач. – Биз ушбу минтақани, хусусан, Ўзбекистонни ўзимиз учун хар томонлама яқин ҳамкор сифатида эътироф этамиз.

Кенгаш даирасидаги тадбирларда кузатувчи мақомида иштирок этган давримизда Венгрия учун жуда кўп имкониятлар очилди. Яқин орада ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлишдан умидворимиз. Будапешт Савдо-саноат палатаси ўтган асрнинг 50-йилларида ташкил этилган бўлса-да, фақат сўнгги 15 йилда ривожланиш босқичига кўтарилди. Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзолик бўлиш учун тараққийнинг янги саҳифасини очили, шубҳасиз.

Кенгаш аъзоларининг бу гагли учрашувида аъзо давлатлар ташкилотли туртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлиги, ишбилармонлик алоқаларини янада ривожлантириш, савдо, саноат ва тадбиркорлик соҳаларида минтақавий муносабатларни мустаҳкамлаш масалалари муҳожама қилинди. Туркий савдо палаталари фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

Мажлисида кенгаш фаолияти аъзо мамлакатларнинг минтақалараро ҳамкорлигини кенгайтиришга йўналтирилгани қайд этилди. Томонлар Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Туркий Савдо палатаси аъзолигига кириши масаласини муҳожама қилди. 2019 йил 14-15 октябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида бўлиб ўтадиган Туркий кенгашининг 7-саммити доирасидаги Туркий Савдо палатаси аъзолари йиғилишида тегишли кўп томонлама меморандум имзоланиши режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг кенгашига аъзо бўлиш савдо ва инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратишга, махсулот, капитал, хизмат ва технологияларнинг эркин ҳаракатланишига босқич-босқич яқинлашасиз. Мана бу биткини кўрганнингизда эса дилнингиз хуфтон бўлади: «Халокат болғаси. Халокат содир бўлганда, ён ойналар ҳалокат болғаси ёрдамида синдириллади!». Хой, нафасинг иссиқ бўлур, «халокат» сўзи қандай маъно англатишини наҳот билмасан! «Халокат содир бўлганда...» одамнинг руҳи танасини тарқ этади. Наҳотки, яхши ниятда «Кутулми болғаси» ёки «Наҳот болғаси» деб аташ мумкин бўлмаса?!

Бундай мисолларни саножис келтириш мумкин. Пойтахтдан тортиб барча йирик шаҳарларимизда кўча лавҳалари ажнабий тилларда ёзилишига алпақчон кўниб бўлганмиш... Назаримизда, буюк миллатларвар бобоклонимиз ҳазрат Алишер Навоий қарий олти юз йил наридан: «Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз» дея биз авлодларга таънали нигоҳларини тикиб тургандек...

Давоми, бошланғичи 1-бетда.



қичма-босқич ўтиш учун божхона ва транзит тартиб-қоидаларини, молия-банк амалиётини соддалаштиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Туркий кенгаш раҳбариятининг фикрича, Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга кириши тарихий воқеа. Бу кенгаш фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади, туркийзабон давлатлар ўртасидаги ҳамкорлиқни янги босқичга кўтаришга ёрдам беради.

Жорий йил 14 сентябрь куну Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Наҳичеван битимини ратификация қилди. Шу билан мамлакатимиз ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди.

Ишбилармонлар кенгаши йиғилиши доирасида Инвестиция ва бизнес форуми ҳам бўлиб ўтди. Унда 500 дан зиёд иштирокчи, жумладан, кенгашига аъзо давлатлар савдо-саноат палаталари раислари, юқори даражадаги ҳуқумат вакиллари, аъзо мамлакатлардан ишбилармонлар иштирок этди.

Форум туркий дунё ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун мустаҳкам платформа яратишга, Ўзбекистон ва туркийзабон давлатлар ўртасида тадбиркорлик, савдо, инвестиция ва туризм соҳаларидаги ҳамкорлик истиқболларини муҳожама қилишга қаратилди.

Давоми, бошланғичи 1-бетда.

ДЕПУТАТ ТЕРИМЧИЛАР ҲУЗУРИДА БЎЛДИ

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари жойларда аҳоли вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда. Шу аснода замонавий ҳаётнинг яшаш тарзи, қизиқишлари ва албатта, уларни ўйлантираётган масалалар ҳам ўрганилмоқда. Шунингдек, оқ олтинни нес-нобуд қилмай йиғиб олишга бел боғлаган ҳашарчи-теримчилар билан учрашиб, уларни маънан қўллаб-қувватламоқда.

Қонунчилик палатаси депутати Феруза Эшматова ўзи сайланган Шаҳрисабз округида бўлиб, сайловчилар билан учрашди. У «Ўртақўрган», «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудидаги фермер хўжалиқлари даладарига борди. Ўз ташаббуси билан пахта йиғим-теримиде иштирок этаётган уюшмаган аҳолига даладарда яратилган шароитлар билан танишди. Теримчиларга иш ҳақлари вақтида берилмаётгани билан қизиқди. Шу билан бирга, тушул пайтида депутат фермер хўжалиқлари аъзолари ҳамда теримга жалб этилган фуқаролар билан очик мулоқотлар ўтказди. Уларнинг муносабатларини ўрганди.

Пахтачилик республикамизда саноятини ривожлантириш, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутарди, – дейди Феруза Эшматова. – Лекин Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда мажбурий меҳнат бекор қилинди. Бугун республикамиздаги бирорта бюджет ташкилотлари хусусан, ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари йиғим-теримга жалб этилмапти. Бу йилги пахта ҳосили асосан, фермер хўжалиқлари аъзолари ҳамда уюшмаган аҳолининг кучи билан йиғиб олинапти. Далада қайси бир теримчи билан суҳбатлашмайлик, улар терим пулларини вақтида олаётгани, далада бепул иссиқ ҳоват ташкил этилганини айтишмоқда. Илгор оқтин-қиз теримчилар маъму ботишдан буён 1,5-2 тоннадан ошқ пахта териб, яхшигина даромад олаётганини кўриб, хурсанд бўлди.

Дам олиш пайтларида депутат йиғилганларга жорий йил охирида бўлиб ўтадиган сайлов ва унинг аҳамияти ҳақида гапирди. Партия дастури ва ташаббуслари, депутатлар ҳамда сиёсий партияларнинг вазифалари хусусида тушунчалар берди. Учрашув сўнггида илгор теримчиларга эсдалик совғалари топширилди.

Депутат, шунингдек, сайлов округидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам бўлиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ҳам ўрганди.

Файрат ХОННАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Ўз мухбиримиз

Бугун депутатга қўйиладиган вазифа ва талаб буткул ўзгарди.



Халқ демократик партияси: ТИББИЁТ СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР

уларни ҳал қилишни энди орқага суриб бўлмайди

Халқ демократик партияси

ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашади

«Халқлар дўстлиги» майдони. Навқирон ёшлар, бобо-ю бувилар невараларининг кўлидан тутиб, Халқ демократик партияси ташаббуси билан ўтказилиши режалаштирилган тарғибот тадбири томон ошиқмоқда. Ана, автобус бекати томондан келатган бир гуруҳ йигит-қиз майдон тўрида ўрнатилган саҳна сари йўл олди. Барчанинг хаёли бугунги тадбирда. Бир йигит Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Нодира Гафурованинг олдига келиб, партия ҳам кенг майдонда тадбир қиладим, дея ҳайронроқ бўлиб савол берди. Нодира Гафурова эса мақсадни тушунтирди.

Янгица услубдаги тарғибот тадбирида Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов сўзга чиқиб, жорий йилда ўтказиладиган сайловларнинг аҳамияти, партиянинг янги Сайловолди дастурида белгилаётган асосий гоя ва вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Партиямиз

Сайловолди лойиҳасини ишлаб чиқишда янгица ёндашганини, бунда тақлифлар асосан аҳолининг ўзидан олинганини алоҳида таъкидлади.

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз!» шiori остидаги тарғибот тадбирида эл суйган санъаткорнинг чиқишлари одамларга кўтаринки кайфият бағишлади.

— Атрофга, одамларнинг юз-кўзига қараб, партиямиз янгица тарғибот йўлини танлаб адлашганига яна бир бор амин бўлдим, — дейди Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Тадбирлар давомида кўп ҳолларда иштирокчилар белгиланган маърузаларни тинглаб, бекфарқ ҳолатда ўтирганини ҳам кўрганман. Бугун эса минглаб инсонлар маданий ҳордиқ олиш билан бирга, партиямиз фаолияти, илгари сураётган ташаббуслари ҳақида маълумотга эга бўлди.

Биласизми, бир ота-она қизалогини етаклаб келганини кўрдим. Улар билан

сухбатлашдим. Ота бугунги тадбир ҳақида facebook ижтимоий тармоғи орқали хабар топганини, уйга эрталоқ қайтиб, турмуш ўртоғи ва фарзандлари билан майдонга келганини айтди. Бугунги кун оила аъзоларининг ёдида узоқ вақт қолишни таъкидлади. Биз оилаларга бундай хурсандчилик бахш этганимиздан мамнун бўлдим.

— Халқ демократик партияси томонидан амалга оширилган ишларни яхши биларман, — деди тадбир иштирокчиси Нодирхон Жўраев. — Жонқуяр депутатларининг ташаббуслари аҳоли муаммолари ечими йўлида ҳаракат қилаётганига гувоҳ бўлганман. Бундан кейин ҳам мазкур партия аҳоли манфаатлари учун курашиш йўлида фаол бўлишига ишонаман.

— Бугунги тадбирга дўстларим тақлиф этишди, — деди Сирожиддин Оқбоев. — Ростини, уларни хафа қилмаслик учунгина келишга рози бўлгандим. «Халқлар дўстлиги» майдонига келиб, йиғилган минглаб

одамларни кўриб, ҳайрон қолдим. Тадбирни кузатиб, Халқ демократик партиясининг тарғибот услуби тўғриси эканлигини билдим. Хатто мазкур партиянинг Сайловолди дастури ва гоялари менда қизиқиш уйғотди. Албатта, эртанинг ўзида Халқ демократик партиясининг ҳудудий кенгашига бориб, фаолияти билан яқиндан танишаман.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар ҳамда Чилонзор туман кенгашлари ҳамкорлигидаги тадбир ана шундай кўтаринки кайфиятда ўтди. Куй-қўшиқлар рақсага уланди.

Бундай тадбирлар республикамизнинг барча ҳудудларида, хусусан пойтахтимизнинг одам гавжум жойларида, бозор ва истироҳат боғларида давом этади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши Ахборот хизмати.



Халқимиз эртага эмас, узоқ келажақда эмас, айнан бугун ўз ҳаётидан рози ва мамнун бўлиб яшати керак. Президентимиз илгари сурган ушбу фикр асосида мамлакатимизда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида кенг қўлмали ишлар амалга оширилмоқда.

Гап одамларнинг ҳаётдан, бугунги яшаётган кундан розилиги ҳақида борар экан, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси юзасидан олис қишлоқлар, қаровга, эътиборга муҳтож маҳаллаларда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини алоҳида қайд этиш лозим. Зеро, ушбу дастурлар одамларнинг бандлик, тиббиёт, таълим, электр энергияси, газ, ичимлик суви, йўллар каби кундалик турмушдаги бирламчи эҳтиёжларини қаноатлантиришга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

Фуқароларнинг ўз ҳаёт шароитларидан розилигини белгиловчи яна бир муҳим мезон — уларга кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати ва самардорлиғидир. Бунинг учун эса тизим етарли даражада кадрлар билан таъминлашни зарур. Қулай бинолар, замонавий асбоб-ускуналар бор тиббий муассасаларда малакали ходимлар ишлаганса, тиббий хизматдан одамларни рози қилиш имконсиздир.

Республикамиз вилоят ва туманларида шифокорлар билан таъминлашни даражаси ўранилганда, жиддий етишмовчиликлар мавжудлиги юзасига чиқди.

2018 йил ҳисоботларига асосан республикамиз бўйича мавжуд врачлик иш ўринларининг 12 фоизи вакант ҳолатда бўлса, Сурхондарёда бу кўрсаткич 23,7 фоизни, Сирдарё вилояти бўйича 21,5 фоизни, Жиззах вилояти бўйича 20 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Агар туманлар кесимида кўриلسа, янада жиддийроқ рақамларга дуч келамиз. Масалан, Қорақалпоғистон Республикасининг Тяхиатош туманида 33 фоиз, Жиззах вилоятининг Бахмал ва Мирзачўл туманларида 36 фоиз, Янгибод туманида 57 фоиз, Қашқадарё вилоятининг Миршароф туманида 40 фоиз, Навоий вилоятининг Томди туманида 59 фоиз, Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида 33 фоиз, Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида 36 фоиз, Сурхондарё вилоятининг Мураббот туманида 45 фоиз, Қизилқум туманида 41 фоиз, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида 38 фоиз, Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида 43 фоиз врачлик иш ўринлари бўш экан.

Бу рақамлар кишини чуқур ўйга толдиради, жиддий ҳавотирга солади.

Ҳар бир вилоятда шифокорларга эҳтиёж мавжуд. Вакант иш ўринларининг асосий қисмини амбулатор поликлиника муассасалари ташкил этади.

Юқорида қайд этилган туманларда бугун аҳолини малакали тиббий хизмат билан таъминлашнинг жисмонан иложи йўқлиги яққол кўриниб қолмоқда. Туманлардаги муассасаларда фаолият юритаётган шифокорлар бир неча мутахассис вазифасини бажаришга мажбур бўлмоқда.

Бу эса тиббий хизмат сифатида жиддий таъсир ўтказмоқда. Жойларда аҳолининг шифокорлардан норозилиги охири бораётгани, беморларнинг ақинлари ва шифокорлар ўртасида турли низолар келиб чиқаётгани бундай мисоллар оз эмас. Бундай кўнгилсиз воқеаларнинг туб сабабларидан бири — жойларда тиббий кадрлар етишмовчилиги катталтиги, кам сонли шифокорларга иш юклаганининг йиллар давомида юқори бўлиб қолаётгани билан ҳам боғлиқ эмасмикин?

Бундай вазиятда шифокорларга Гиппократ қасами ичганлигини таъкидлаш ёки уларга таъдиб ўтказиш ҳолатини яхшиламайди.

Халқ демократик партияси ушбу ўткир муаммони тизимли ҳал қилишни энди орқага суриб бўлмайди, деб ҳисоблайди. Қишлоқ жойлардаги тиббиёт муассасаларини кадрлар билан таъминлаш, бунинг учун уларга уй-жой бериш, бошқа қулайлик ва имтиёзлар жорий этиш бундай дастур ишлаб чиқиши керак.

Шифокорлар етишмайдиган туманларда ушбу лавозимни ёш мутахассислар учун жозибador қилиш чораларини кўриш вақти келди. Олий тиббий ўқув юртиларини битирган мутахассислар маоши жуда камлигини инобатга олсак, уларга маҳаллий бюджет ҳисобидан имтиёзлар берилиши муаммони ечишга ёрдам бериши мумкин. Масалан, врачлар етишмовчилиги кескин бўлиб турган туманларда устама ҳақ белгиланиши, уй-жойларнинг бирламчи тўловсиз имтиёзли кредитга берилиши каби энгилликлар кадрлар танқислигини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, туман, шаҳар ҳокимларининг тавсиялари асосида маҳаллий ёшларни тиббиёт олийоҳулида ўқишни ташкил этиш орқали ҳам муаммоларни ҳал этишга эришиш мумкин.

Мамлакатда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада яхшилаш, узоқ қишлоқ ҳудудлардаги тиббий муассасаларни малакали кадрлар билан таъминлаш фақат соғлиқни сақлаш вазирлигининг вазифаси эмас, балки жамиятнинг ижтимоий муаммосидир. Шунинг учун барча мутасадди ташкилотлар ушбу муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этиши керак бўлади.

Халқ демократик партияси Сайловолди дастурида ана шу йўналишда ўз тақлифларини илгари сурмоқда. Чунки шифокор кадрларга шароит яратмасдан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ҳақида баландлароз гаплар айтишга ҳақимиз йўқ.

Мақсуда ВОРИСОВА, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Сенати аъзоси.

«Эски қоидалар билан тараққиётга эришиб бўлмайди»

САЙЛОВ – 2019

Банк тизимида узоқ йиллар ишлаган иқтисод фанлари доктори, профессор Ашур Қодиров нима сабабдан ЎзХДПга аъзо бўлмоқчи? У бу йилги сайловлар, депутатликка номзодлар ҳақида қандай фикрда? Мухбиримиз ушбу саволларга аниқлик киритишга ҳаракат қилди.



— Ашур Қодирович, нима сабабдан ўз сиёсий позициянгизни ўзгартдингиз?

— Ёшим етмишни қоралаб турган бўлса ҳам мен ўз гражданилик позициямни ўзгартганим йўқ. ХДПнинг Сайловолди дастури менинг 13 йилдан бунён ЎзЛиДеП сафида амалга оширишга ҳаракат қилиб келган тақлифларимни қамраб олганлигини билиб шундай йўл тутаяман. Партиялараро дебатларни кўриб, дастури билан танишиб, Халқ демократик партияси сафида бўлишга қарор қилдим. Бу партиянинг гоялари менинг қарашларимга мослиги учун шундай қарорга келдим.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида қайд этилган «Агар халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кучли бўлади», деган тамойилга амал қилиб, Республика иқтисодиётини инновацион ривожлантириш орқали модернизация қилиш жараёнида оила иқтисодиётини мустаҳкамлаш орқали халқни бой қилиш гояси партиянинг сайловолди дастурида устувор, деб билдим.

Шуни айтишим керакки, мен ХДПга аъзо бўлаётганим учун ЎзЛиДеП ва унинг сиёсий кенгашини танқид қилмоқчи эмасман. Чунки мазкур партия ўз дастурига амал қилиб, жамиятни иқтисодий ривожлантиришга имкон қадар қатнашиб келмоқда. Янги тадбиркорлик субъектларининг пайдо бўлиши ва минглаб иш жойларини яратиш, давлат бюджетига солиқ тўлаш базасини кенгайтириш ҳам халқни бойитишга қаратилган. Демак, кимдир тўғридан-тўғри халқ билан ҳамкорликда бўлиб, унинг муаммоларини ҳал этишга киришса, бошқа бир партия тадбиркорлигини ривожлантириш орқали давлатни бойитишни ўзига вазифа қилиб олади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайлов олдидан менинг бир сиёсий партия сафидан чиқиб, иккинчисига киришим, халқимизнинг бўлажак сайловларга янада эътиборлироқ бўлишга ҳам озгина бўлсада туртки беради, деб ўйлайман. Чунки ҳар биримиз қайси партия сафидалигимизни, нега айнан шу партияни танлаганимизни чуқур англаб, аниқ билишимиз зарур. Номига партияга аъзо бўлиш ёки ўз сиёсий бур-

чага эътиборсиз қараш ҳеч кимга, ҳеч бир партияга фойда келтирмайди.

— Сайловлар ҳақида гап бошладингиз, сиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари Маҳаллий кенгашларига сайлов орқали қандай ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал бўлишини хоҳлардингиз?

— Мана, уч йил бўляпти, Президентимиз томонидан иқтисодиётдаги камчиликлар аниқ кўрсатилмоқда. Уларни бартараф этиш, албатта, вақт талаб этади. Аммо эски қонунчилик базаси янги Ўзбекистоннинг қурилишига тўқтиниб қилаётганини ҳаёт кўрсатмоқда. Навбатдаги сайловда сайланган депутатлар айнан иқтисодиётдаги муаммоларни бартараф этишнинг қонунчилик асосини яратди ва маҳаллий Кенгаш депутатлари қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорат ишларини кучайтиради, деб умид қиламан.

Президентимиз 2016 йили ўзининг сайловолди дастурида халқ билан мулоқотни йўлга қўйиб, қанча муаммолар йилгиб қолганлигини кўрсатди ва 2017 йили Ўзбекистонда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилди. Бу борадаги ишлар бугун ҳам давом этмоқда. Энди йўлаб кўрайлик. Президент халқ билан мулоқот қилиш зарурлигини кўрсатиб, амалда исботлаб берди ва Олий Мажлис депутатлари ўз сайловчилари билан доимий мулоқотда бўлиб, уларнинг талаб ва истакларини амалга ошириши кераклигини қайта-қайта таъкидлади. Шунингдек, ҳукумат раҳбарини танлаш, унинг ҳисоботини эшитиб, муҳокама қилиш, вазирларни танлаш ва ҳисоботини эшитиш Олий Мажлисга нима учун юкланди? Депутат халқ вакили сифатида ҳукумат аъзоларини тасдиқлайди, ҳисоботларини эшитади. Аҳоли талабларини ҳукумат олдига қўяди... Бу вазифалар қандай бажарилиши халқимиз қандай депутатларни танлашга боғлиқ.

Аҳоли талабларини ҳукуматнинг юқори погоналарида ҳал қилишга иродаси етмайдиган депутатларни сайласак, келажақда йўлни таъмирлаш, сув чиқариш, электр ўтказиш, мактабни таъмирлаш ва шунга ўхшаш юзлаб талаблар билан қаерга борамиз? Қачон депутатларимиз чинакамига халқ депутатларига айланади? Сайлов жараёнида талабларимизга жавоб берадиган

муносиб инсонларни танлаб, овоз берсак, бунга эришилади.

Овоз беришдан олдин ўйлайлик, депутатликка номзоднинг тажрибаси, дунёқарashi, билими, мардлиги қандай даражада? Акс ҳолда, бизнинг овоз беришимиз билан депутат бўлиб олган номзодимиз яқин беш йилда қорасини ҳам кўрсатмаслиги, бирорта ҳам муҳим масалани ҳал этмаслиги, асосли тақлифлар билдирмаслиги мумкин. Бугун депутатга қўйиладиган вазифа ва талаб буткул ўзгарди.

Янги Ўзбекистонни қуриш стратегияси қонунчилик базасини тақомиллаштиришни ва янгилири қабул қилинишни талаб этади. Айниқса, 28 йилда яратилган қонун ости ҳужжатларининг кўпи кун талабига тўғри келмай қолганини биладиган, бунни дадил айтмайдиган депутатлар керак.

— Қандай хусусиятли инсонлар номзодини депутатликка қўйишимиз керак, деб ўйлайсиз?

— Бўлажак сайловларда барча партиялар парламентда кўп ўрин олишга ҳаракат қилиб, номзодлар орасида қаттиқ кураш кетади. Шунда кучлиларнинг кучлиси ғалаба қозонади.

Номзод партия дастурини яхши ўзлаштирган бўлиб, уни амалга ошириш учун нима ишларни бажариш кераклигини ўзига тасаввур эта олиши даркор. Шунга муносиб равишда билими ва тажрибага эга бўлиши талаб этилади. Янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий асосини яратувчи депутатлар сайловчилар талабини вазириликка келтириб бевучи «почтальон» бўлмай, вақти ва жонини аямай, ҳаловат билмай халқ талабини бажартира оладиган шахс бўлиши керак.

Нега энди депутат ўз сайлов округидан Тошкентга келган касални яшаб турган ҳудудда тез ва сифатли даволашни йўлларини топиб, тадбир қила олмайди? Ёки Олий Мажлис депутатлари нима учун озиқ-овқат маҳсулотлари, масалан, гўштнинг нархини пайсга қилишга ҳизмат қилувчи халқларини айтишмайди?.. Хулоса битта. Халқ ишондими, бу шарафга муносиб бўлиши керак. Ишонччи оқлаш шарт.

Кимни депутат этиб сайлаш эса фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий билими, ўз тақдири ва келажагига қанчалик масъулият билан ёндашувига боғлиқ.

ЎЗБЕКISTON ХДП ТАШАБУСИ БИЛАН

Барча жойда бўлгани каби Ўрта Чирчиқ туманининг Навоий ҳудудидаги «Тараққиёт» маҳалласига туташ далаларда ҳам пахта йиғим-терими қизгин бормоқда. Ҳар кун эрта тондан уюшмаган аҳоли ва фермер хўжалиги аъзоларидан иборат теримчилар оқ олтин хирмонини кўтаришга ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Кунни кеча Ўзбекистон ХДП фаоллари пахтазорларда бўлиб, уларнинг гайратига-гайрат қўшди.

ЎЗХДП гоялари тарғиботи

Партия Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент вилоят кенгаши жамоаси «Страгег» қандолат фабрикаси жамоаси ҳамкорлигида Ўрта Чирчиқ туманидаги «Аббосхон, Шуқурилло» фермер хўжалиги даласида ҳашарда бўлди. Учрашув аҳоли вакиллари билан давом этди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Улугбек Иноятов йиғилганларга кўп-партиявийлик тизимининг моҳияти, партия илгари сураётган янги гоялар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда қандай аҳамият касб этиши ҳақида фикр билдирди.

Тошкент вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева партиямизнинг янги Сайловолди дастурига киритилаётган мақсад ва вазифалар ҳақида қисқача маълумот берди. Хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш масаласи кўпчилик эътиборини торти.

Халқ демократик партияси сафида бўлиш истагини билдирган Ўрта Чирчиқ туман ҳокими ўринбосари Дониёр Турғунов, туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Дилмурод Султонов, «Аббосхон, Шуқурилло» фермер хўжалиги раҳбари Севара Хошимова ва яна 20 нафарга яқин юрдошимизга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Ўрта Чирчиқ туман кенгаши раиси Феруза Бабашева туманда партиямизга хайрихоҳлар сафи қўлайиб бораётгани, уларнинг ишончини қозониш учун тарғиботнинг янги ва самарали усулларини кенг қўллаш лозимлигини таъкидлади.

Уйғур МФЙ раиси ўринбосари Собиржон Турғунов қишлоқ жойларда яшаётган одамларнинг кўнгилни топиш, уларни ўйлантираётган масалалар ҳал этилишига кўмаклашиш катта савоб бўлиши ҳақида ибратли фикрлар билдирди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят Ахборот хизмати.

Саноатни ривожлантириш ва маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш

Ш. МИРЗИЁЕВ:

Ишонч бўлса, ҳаракат бўлади, ҳаракат бўлса, натижа бўлади. Натижа бўлса, ҳаётимиз яхши бўлади.

Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан

Сирдарё вилояти аграр вилоятдан саноати гуркираб ривожланаётган ҳудудга айланмоқда, обод ва кўркем бўлмоқда, чинакамига боғу бўстонга айланмоқда.

Киндик қонинг томган муқаддас тупроқ—она Ватан ҳақида сўз айтишга чоғланганимда, беихтиёр кўнглимда нимадир тоғдай юксалиб, кўзларимга ёш қалқингани сезмай қоласан, энтикасан. Зотан, ўзинг улғайган заминнинг майсаси-ю, гулу гиёҳи, ҳар бир даракнинг илдизлари юрагингга чирмашиб кетган. Субҳидамда юзларингни сийпалаган насим, ҳар тонг кўнглимга мунавварлик олиб кирган кўёшининг ҳароратли ёғдулари сени эзгу ишларга даъват қилади.



Бугун Сирдарё вилоятида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари, айниқса, навқирон Гулистон шаҳрининг бугунги жамоли кўзларни қувнатади, дилларни яйратади. Анвоий гулларга бурканган сўлим хибоблар, раво кўчалар, маҳобатли кўриқлар, салобат билан қад кўтарётган кўп қаватли турар-жойлар билан шаҳарнинг кўрғи-кўрк бўлмоқда. Икки йил муқаддам Гулистонда бўлган одам бугун келса, унинг кўчаларида ҳамроҳи эдашиб қолган ҳеч гап эмас.

Нафқат Гулистон шаҳри, балки, вилоятнинг барча туманларида олиб борилаётган кенг қўламли ободончилик ишлари кўнглини қувнатади. «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида Ховосда қўрилаётган 30 та беш қаватли бино шаҳарча кўйфасини бутунлай ўзгартириб юборди. Кўп қаватли уйларда замон талаблари даражасида жиҳозланаётган коммуникация, канализация ва бошқа тармоқлар комплекс тарзда амалга оширилмоқда. Бундай бунёдкорлик ишлари Сайхунобод, Сирдарё ва Сардоба туманларида ҳам жадал давом этмоқда. Сайхунобод туманидаги «Сайхун планет» савдо мажмуаси эндиликда бугун вилоят аҳлига хизмат кўрсатмоқда.

Мамакатимиз Президентининг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги, яратилаётган имкониятлар шарофати билан Сирдарё вилояти аграр вилоятдан ишлаб чиқариш саноати ривожланган ҳудудга айланмоқда. Вилоятдаги кўп қаватли кўшма корхоналарда, тадбиркорлик субъектларида янги-янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлиги муаммолари бартараф этилмоқда. Айниқса, чекка қишлоқлардаги хотин-қизлар, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи катта-ички мутасаддиларнинг диққат эътиборида турибди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ҳаётга тадбиқ этилган, Сирдарёда туринган беш ташаббуснинг мамлакатимиз бўйлаб кенг қўлаётгани сирдарёликларни тамоман руҳлантириб юборди. Айни пайтда бу йўналишдаги ишлар изгирин давом этмоқда. Айниқса, экспортбо ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни кўпайта ишлаб чиқариш борасида берган кўрсатмалари бугунги кунда Сирдарё туманидаги «Пенг-шенг», «Мега Люкс», «Сирдарё универсал ойна», Гулистон шаҳрида жойлашган «Зиннур» Ўзбекистон-Хитой кўшма корхоналари фаолиятини янада жонлантириб юборди. Эндиликда улар вилоят иқтисодий ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Масалан, «Сирдарё универсал ойна» кўшма корхонасида хотин-қизлар ва ёшлар учун 500 та иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари эса, хориққа экспорт қилинмоқда. Гулистон шаҳрида жойлашган «Бест Фейшн» Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонасининг трикотаж маҳсулотлари, Сирдарё туманидаги «Река-мед-фарм» корхонасида дори-дармонлар учун махсус шиша идишлар ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхоналарда асосан ёшлар хизмат қилмоқда.

Мирзасобод туманида фаолият юритаётган «Бек-Кластер» — кўп тармоқли ишлаб чиқариш бирлашмаси хотин-қизларимизга иш ўринлари яратиш борасида ибрат бўлмоқда. Сардоба туманида бунёд этилган «Сардоба сув омбори» минглаб ёшларни иш билан таъминлади. Айни пайтда, еш омбори соҳилларида янги боғлар яратилмоқда, дам олиш ҳудудлари ва оромгоҳлар барпо этилмоқда. Келажақда бу дам олиш масканлари вилоятга келаётган хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортганидан оромгоҳларга айланади. Сирдарё вилоятнинг ўзини ўзининг ўзига хос тарихи, бой маданий мероси, урф-одатлари ва анъаналари мавжуд. Қадимий Ховосда тепалиқда олимпаримиз олиб борган илмий излашлар, археологик қазималар воҳамиз 2500 йиллик тарихга эгаллиқдан далолат бермоқда. Ушбу маскан ҳам яқин йилларда туристик манзиллар қаторида хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотди, деб ўйлаймиз.

Халқ ҳўжалигининг турли тармоқларини ривожлантириш учун вилоятга хориж инвестициясини жалб қилиш масаласи доимий эътиборда. Шу йилнинг 22-23 август кунлари ўтказилган I Халқаро инвестиция форуми Сирдарё тарихида ёриқ из қолдирди. Унда 200 дан ортиқ хорижий компанияларнинг раҳбарлари иштирок этди. Мазкур форумнинг Сирдарё вилоятида ўтказилишидан мақсад — Ўзбекистонни жаҳон ҳамжамиятига чуқур интеграциялашувини таъминлаш, хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ва иқтисодий-гуманитар соҳаларда ҳамкорлик қилиш, вилоятнинг иқтисодий салоҳияти, яратилган шарт-шароитлар ва мавжуд имкониятлар тўғрисида хорижий ҳамкорларга маълумотлар қаторида иқтисодий таъминнинг шартлоғлигини таъминлашдан иборат эди.

Тадбир доирасида Сирдарё вилоятининг ички имкониятлари ҳамда инвесторларнинг эътиборини жалб этувчи устувор йўналишлар кўйилди ва иборат бўлди: биринчидан, қишлоқ ҳўжалигида инновацион ёндашувларни ишга солиш — пахтачилик кластери, замонавий гидропоник иссиқхоналар, интенсив боғлар, логистика марказларини қуриш, шунингдек чорвачилик, балкичилик ва паррандачилик кластерларини ташкил қилиш; иккинчидан, саноат соҳаси, шу жумладан энгил саноат, илақчилик, озик-овқат, фармацевтика, кимё саноати ва шу билан бира муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш; учинчидан, туризм, шу жумладан, янги меконхоналар, истироҳат марказлари ва бошқа туризм инфратузилмаларини ривожлантириш.

Тўртинчидан, технопарклар ва хорижий етакчи олий ўқув юртинларини филиалларини ташкил қилиш, хусусий тиббиёт ҳамда ахборот коммуникация технологияларини ривожлантиришни кўзда тутди. Шунингдек таъкидлаб ўтиш лозимки, вилоят иқтисодий ривожлантириш учун давлат томонидан истисно тарихида тақдим қилинган имтиёз ва преференциялар мавжуд. Охириги икки йил давомида Сирдарё вилояти шароити ва имкониятларидан келиб чиқиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун давлатимиз раҳбари томонидан кўп қаватли имтиёз ва қўлайликлар тақдим этилган. Инвестицион форумда 200 млн. доллардан ошқ инвестицион ва экспорт шартномалари имзоланди.

Ушбу форумдан илгарироқ Италия давлатидаги Ўзбекистон элчихонасининг ташаббуси билан жорий йил 9 июнь кунини Италия давлати компаниялари вилоятимизга ташириф буюрган эди. Таширифдан қўланган асосий мақсад иқтисодий, қишлоқ ҳўжалиги, ўзаро маданий бали вакилини тавсия қилиши талаб этилади. Сайловда ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасида тенг географик тақсимот таъминланади. Бу талаб Комиссияга араб мамлакатларидан 6 нафар, Осиё қитъасидан 6 нафар ва Африка қитъасидан 6 нафар аъзо сайланиши зарурлигини аниқлатади. Янги сайланган Комиссия аъзоларининг 3 йиллик муддати Комиссия тарихини бартараф этувчи аъзоларнинг муддати нўҳрасига етганидан кейин ўтказилган навбатдаги биринчи сессиядан эътиборан бошланади. Агар муддати тугаган вакил ўрнига янги аъзо сайланмаган бўлса, амалдаги вакил Комиссиянинг янги аъзоси сайланишига қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия тарихи 18 нафар аъзодан иборат. Комиссия Низомига мувофиқ, ИХТ Бош котиби идораси Комиссия аъзоларига номзодлар рўйхатини тузади ва ИХТга аъзо давлатлар билан мувофиқлаштирилади. Бундан номзодлардан ҳар бири инсон ҳуқуқлари соҳасининг муайян соҳасига ихтисослашган ва бу борада тажриба ортирган бўлиши ҳисобга олинади. Сўнгра номзодлар рўйхати ИХТ Ташиқи ишлар вазирлари кенгашига тақдим этилади. ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия аъзолари мазкур Кенгаш томонидан уч йил муддатга, бир марта қайта сайланиш имконияти билан сайланадилар.

Комиссия аъзоларига битта мамлакатдан икки нафар эксперт бир вақтинчи ўзда сайланиши мумкин эмас. Номзодларнинг танлаш жараёнида ИХТга аъзо давлатлар ўзларининг энг мустақил, холис, ҳалол ва тажри-

да. Мана шу корхоналар тўлиқ ишга туширилса, бу йил охиригача хотин-қизлар учун 2 мингга яқин янги иш ўрни яратилади. Беш ташаббус доирасида амалга оширилаётган маънавий-маърифий ишлар ҳақида гапирганда, вилоятда Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактабининг иш бошлаганини айтиб ўтиш ўринлидир. Ижод мактабига 120 нафар иқтидорли ўғил-қиз қабул қилинди. Ижод мактаби учун қўрилаётган махсус бино лойиҳаси учун 7 млрд сўм маблағ ажратилган эди. Унда фарзандларимизнинг яйраб билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Вилоят мусикали драма театри янгидан таъмирланиб, ишга туширилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими томонидан вилоят ижодкорларининг «Сайхун сабоари» номли шеърий, «Сирдарё мавжлари» номли насрий антологиялари нашрга тайёрланди. Ушбу антологиялар «Ижод» жамоат фонди томонидан нашр этилиб, вилоятнинг олий ўқув юртинлари ва мактабларнинг кутубхоналарига тарқатилади. Шунингдек, «Сирдарёдаги улғувор ўзаролик» номли бадий-публицистик тўлама Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланмоқда.

Гулистон шаҳрида истиқомат қилувчи, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Бектурсун ота Пирматов шундай дейди: — Ёшим юзга борапти, бугун Гулистоннинг жамолини кўриб, мамлакатимиздаги улғувор янгиликларнинг гувоҳи бўлиб, умргузаронлик қилиб юрганам учун яратилган бехисоб шукроналар айтаман. Мен мана шу шаҳарнинг, вилоятимизнинг тарихини жуда яхши биламан, шаҳримизнинг ўрнида қададай-қададай қамшилар ўсиб ётарди. Қишда ботқоқ, ёзда чанги осмонни тўтиб ётган кўчалари кўз ўнгимда. Воқалимиздаги темир йўл бекатида катта-катта харфлар билан «Голодная степь» деган ёзув осилиб туради. Ҳар кўрганда юрагим увишарди. Мана бугун чўл ўрнида муҳташам шаҳарлар қад кўтарди. Бу ҳаммаси мустақиллик шарофатидан, муҳтарам Президентимизнинг Сирдарё вилоятига бўлган эътибори натижаси деб ўйлайман. Илоҳим, бу ишлар бардавом бўлсин.

Муҳтасар қилиб айтганда, Сирдарё воҳасида улғу ўзаролик, юксалишлар ўз бермоқда. Бу юксалишларнинг замирида сирдарёликларнинг самарали, захматли меҳнати, ҳамжиҳатлиги ва ташаббускорлиги ётибди. Улар ўз меҳнатлари роҳатини ҳам қўришмоқда, ҳаётлари фаровонлашиб бормоқда. Биргина мақолада Сирдарё воҳасида бўлаётган ўзароликларни баён этмоқ мушкул. Бугунги ўзароликлар ҳақида, бугуннинг қаҳрамонлари ҳақида насиб этса, ҳали катта асарлар яратилади. Бир пайтлар «кўш ўчса қаноти, одам юрса оёғи куйган» чўлларни ўзлаштирган ота-боболаримиз бизларга мерос қилиб қолдирган воҳа бугун чинакам Гулистонга айланиб, гулларга бурканди. Биз ҳам ўз фарзандларимизга дунёнинг машҳур шаҳарларидан қўлашмайдиган муҳташам шаҳарлар, обод ва шинам қишлоқлар, гулларга чўмилган сўлим хибоблар ва раво кўчаларни, маданият ва истироҳат муассасаларини — бир сўз билан айтганда, овоз ва обод Ватанин мерос қилиб қолдирамиз.

Кўп қаватли чўлларга бурган элимсан, Бир сўзи, аҳдида турган элимсан, Яхши-ёмон кўнни кўрган элимсан, Болангачим, эркалбар юрган элимсан Жаннатим, кўнглимга эккан гулимсан.

Галпашсанг юрави кўриб турган, Кўнглимни олишга уриб турган, Фейли дарёсидай вазмин, соқимин, Қош-кўздай қадрдон дилга яқиним Онамсан, оғамсан жон-у дилимсан

Офтоб ўпиб ўтар айвонларингни, Ифрон ҳовучлаб раҳмонларингни, Кезиб лолзорлар сайхонларингни Таърифинг илзасам имконларингни Ой баби тўпсан, гўлдай сўпсан...

Ҳаётхон ОРТИҚБОЕВА, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими.

Элчи билан учрашув



Куни кеча Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси Сантош Джа ва ҳамроҳлари Самарқанд Давлат университетидан муносиб кутиб олинди.

Университет ректори, профессор Рустам Холмуродов ва элчи жаноблари ўртасида бўлиб ўтган самимий мулоқотда Ҳиндистондаги номдор олий ўқув даргоҳлари билан Самарқанд Давлат университети ўртасида таълим, фан, инновациони ривожлантириш, кадрлар етиштириш, маънавий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш хусусида фикр алмашинди.

Меҳмон Дехли ва Наъланд университетлари, шунингдек, мамлакатдаги хусусий олий таълим даргоҳлари Самарқанд Давлат университети билан яқин ҳамкорлик ўрнатилган манфаатдор эканлигини таъкидлади. Хусусан, яқин келажақда Ўзбекистон ва Ҳиндистонда, айнан тарихий қадамжоларга бой бўлган Самарқандда санъат ва маданият кунлари ўтказиш таклифини ўртага ташлади.

Шундан сўнг элчи Сантош Джа ва университет ректори Рустам Холмуродов ўртасида кадрлар тайёрлаш, кўш дипломлик алоқаларини йўлга қўйишга қаратилган тарихий ҳужжат имзоланди.

Ҳар икала тараф бир-бирларига эсдалик совғаларини топширдилар.

Меҳмон ва унга ҳамроҳлик қилувчилар СамДУнинг Халқаро таълим Дастурлари факультетида ташкил этилган Ҳиндистон маданияти ўқув марказининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган Халқаро таълим дастурлари марказида айни пайтда 2+2 шаклида 180 нафар талаба таҳсил олмақда.

Элчи жаноблари ва ҳамроҳлари шу куни университетнинг тарих ва биология факультетларидаги археология ва зоология музейларини ҳам кўздан кечтирдилар.

СамДУ матбуот хизмати



«Аёллар ижтимоий ҳимояси — ижтимоий фаоллик пойдевори»

Ушбу мавзудаги форум Марғилон шаҳридаги Эркин Воҳидов номли исжод мактаби богида ўтказилди

Унда вилоятдаги мутасадди ташкилот раҳбарлари, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ноғиронлиги бўлган, иш билан таъминланмаган хотин-қизлар иштирок этди. Форум эрта тондан хотин-қизлар ўртасида югуриш марафони ва спорт машқлари ўтказиш билан бошланди. Марафонда 200 нафар хотин-қиз катнашди. Сўнгра бепул тиббий кўрик ўтказилди. Вилоят, туман марказларидан шифокорлар, тиббий техника воситалари, кўчма амбуланс хизматлари жалб қилинди. Муолажага муҳтож, эҳтиёжманд опа-сингилларимизга бепул даволаниш учун йўлланмалар берилди.

Шундан сўнг аҳоли билан очиқ мулоқот бўлиб ўтди. «Янги ҳаёт» маҳалласи, Хоразм кўчасида истиқомат қилувчи Умида Юсуповага ўз ишини бошлаши учун дастлабки сармоа берилди.

«Ватан» маҳалласида яшовчи Неля Сергеева 6 йилдири оғир хасталикка чалиниб, ётиб қолган эди. Тадбир домида 78 ёшли онахонга ноғиронлик аравачаси совға қилинди. Шунингдек, иштирокчилардан ўн нафари ўзини қийнаётган турли муаммолар бўйича депутат ва масъуларга муножот қилди. Муаммоларнинг айримлари жойида ўрганилиб, ҳал этилди, қолганлари эса тегишли тартибда назоратга олинди.

Худуддаги Бандликка қўмаклашиш маркази томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Иштирокчилар шаҳардаги корхона ва ташкилотларнинг 400 беш иш ўрни билан таниди. Марказ ходимлари худуддаги бўш иш ўринлари, касаначилик меҳнатини ташкил этиш имконияти бор корхоналар тўғрисида батафсил маълумотлар берди. Ишлаш истагини билдирган хотин-қизларга тегишли йўлланмалар берилди.

Тадбир якунида 30 нафар хотин-қиз ЎзХДП сафига қабул қилиниб, уларга партия аъзолик билетлари топширилди. ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши раиси Дилбар Мамажонова Марғилон шаҳридаги партиянинг лидер аёлларига вилоят партия ташкилотининг «Ташаккурнома» ва эсдалик совғаларини топширди.

Ёрқини ҚОСИМОВА, ЎзХДП Фаргона вилоят кенгаши матбуот котиби.

ИСЛОМ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КОМИССИЯСИНИНГ ЯНГИ АЪЗОЛАРИ ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

Аввал хабар берилганидек, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссияси ўз йиллик семинарларининг олтинчисини 2019 йил 7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказмоқда. Ушбу халқаро анжуман «Тинчликсевар, демократик жамиятлар барпо этиш ва барқарор ривожланиш йўлида ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг ахамияти» мавзусида ташкил этилмоқда.

Поиттаъимизда 6 октябрь кунини мазкур халқаро семинарга ташириф буюрган ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг Бирлашган Араб Амирликлари, Гапон, Озарбайжон, Покистон, Уганда ва Кувайт давлатларидан сайланган янги аъзоларининг қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирни Комиссия раиси Ақмам Саидов бошқарди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия тарихи 18 нафар аъзодан иборат. Комиссия Низомига мувофиқ, ИХТ Бош котиби идораси Комиссия аъзоларига номзодлар рўйхатини тузади ва ИХТга аъзо давлатлар билан мувофиқлаштирилади. Бундан номзодлардан ҳар бири инсон ҳуқуқлари соҳасининг муайян соҳасига ихтисослашган ва бу борада тажриба ортирган бўлиши ҳисобга олинади. Сўнгра номзодлар рўйхати ИХТ Ташиқи ишлар вазирлари кенгашига тақдим этилади. ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссия аъзолари мазкур Кенгаш томонидан уч йил муддатга, бир марта қайта сайланиш имконияти билан сайланадилар.

Комиссия аъзоларига битта мамлакатдан икки нафар эксперт бир вақтинчи ўзда сайланиши мумкин эмас. Номзодларнинг танлаш жараёнида ИХТга аъзо давлатлар ўзларининг энг мустақил, холис, ҳалол ва тажри-

бали вакилини тавсия қилиши талаб этилади. Сайловда ИХТга аъзо мамлакатлар ўртасида тенг географик тақсимот таъминланади. Бу талаб Комиссияга араб мамлакатларидан 6 нафар, Осиё қитъасидан 6 нафар ва Африка қитъасидан 6 нафар аъзо сайланиши зарурлигини аниқлатади. Янги сайланган Комиссия аъзоларининг 3 йиллик муддати Комиссия тарихини бартараф этувчи аъзоларнинг муддати нўҳрасига етганидан кейин ўтказилган навбатдаги биринчи сессиядан эътиборан бошланади. Агар муддати тугаган вакил ўрнига янги аъзо сайланмаган бўлса, амалдаги вакил Комиссиянинг янги аъзоси сайланишига қадар ўз фаолиятини давом эттиради.

ИХТ Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг Тартиб-таомиллари қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг 6-қисмида Комиссия аъзоларининг мустақиллиги

доир мақоми мустаҳкамланган. Биринчидан, Комиссия аъзолари мустақил экспертлар сифатида фаолият олиб борадилар. Улар ўзларининг шахсий ёндашуви ва қарашларини ифода этади. Иккинчидан, Комиссия аъзолари ўз фаолиятини амалга оширишда хар доим юксак профессионаллик, адолатпарварлик, мустақиллик, холислик, қатъийлик сифатларини намоян этишлари шарт. Бу жараёнда Комиссия аъзолари ўз маънавий обрў-эътиборини, чет таъсирлардан холи равишда, мунтазам ошириб боришлари лозим. Комиссия аъзоси ўз ваколатларига киришишидан олдин «Қасамёд маросими» деб юритиладиган тантанали тадбирда қуйидаги мазмунда баёнот беради: «Мен ўз вақифаларимни юксак профессионаллик, адолатпарварлик, мустақиллик, холислик, қатъийлик билан, чет таъсирлардан холи равишда



Меҳр — ягона чегараланмаган қудратдир.

Меҳр қўлларини узатайлик

ОҚИБАТНИНГ БАҲОСИ НЕЧА ПУЛ?!

Токиодаги нашрларнинг бирида шундай эълон пайдо бўлди: «Ота-она сотилади. Ота – 68, она – 66 ёшда. Нархи: 900 йен». Бунни кўрганлар ҳайратга тушди. Айримлар: «Эҳ, қандай замонларга қолдик-а, энди ота-оналар ҳам сотилаётган эмиш! Хукумат қаерга қараяпти ўзи?» дея норозилик билдиришди.



Эълон берилган газета автохалокат туфайли яқиндагина вафот этган ота-онасини тупроққа қўйган ёш оиланинг қўлига тушди. Эр-хотин қарияларни сотиб олиб, меҳр-муҳаббат кўрсатишга, гамхўрлик қилишга аҳд қилишди. Улар айтилган манзилга келиб ажабланишди. Қаршиларидида ҳашаматли уй турарди. Адашдик чоғи, деб иккиланиб турганларида, ашиқ очилиб, бир кекса киши уларни табассум билан қаршилади.

Ташлашнинг сайин юрагингни тош босади. Қандай нигоҳларга тўқнаш келиб, нима дейишингни ўйлай бошлайсан. Ноурин савол бериб, кексаларнинг дилини хуфтон қилишдан оғир борми? Бири ўта беозор бўлгани боис нодон фарзанднинг бетийиқ қилмишларини юраги кўтаролмай шу манзилга йўл олган бўлса, бировининг кексаллиқдаги инжиқликларига сабри этмай, фарзандларининг ўзи ота-онасига шундай ҳаётни раво кўрган...

— Ҳа, қарияларнинг режасига тан бермай илож йўқ. Уларнинг бефарзандлиги шунга ундаган. Аммо Японияда (аслида бундай муносабат дунёнинг ҳар бир четда топилмади) ҳам кексаларнинг ёшлар эътибори, гамхўрлигига муносабат бор гап. Яқинда бу мамлакатда давлат томонидан расман кексалар учун шахарча барпо этилди. Маълумотларга қараганда, мазкур қариялар уйда уларнинг бекаму кўст умр кеңириши учун ҳамма шароит бор: энг сифатли озиқ-овқат, кунинга икки маҳал табибий кўрик, савоҳатлар... Ҳуш, нега бундай масканга эҳтиёж туғилди?

Кунчиқар мамлакат ёшлари ўз ота-оналари билан бирга яшашни исташмайдими? Очиғи, ушбу саволга жавобни қақат четдан эмас, ўз юртимиздан ҳам излаш керак. Бизда ҳам шунга ўхшаш масканлар бор. Республика бўйича 33 та «Саховат» ва «Муруват» уйлари мавжуд. Тошкент шаҳар Қорақамиш даҳасидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳам шунлар жумласидан. Аини пайтда мазкур даргоҳлар давлатнинг, ҳукуматнинг эътиборида.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 июлдаги «Муруват» ва «Саховат» интернет уйларида яшайдиган ноғиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан Республика ва ҳудудий васийлик кенгашлари ташкил этилган. «Муруват» ва «Саховат» интернет уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши сўрови билан аини кунда мазкур маскан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан замонавий тилда қўриб, жиҳозлаб берилган. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оиладек яшайди.

Сирасини айтганда, бундай манзилларга шунчаки кириб бориш мушкул. Остонасига яқин

лашганинг сайин юрагингни тош босади. Қандай нигоҳларга тўқнаш келиб, нима дейишингни ўйлай бошлайсан. Ноурин савол бериб, кексаларнинг дилини хуфтон қилишдан оғир борми? Бири ўта беозор бўлгани боис нодон фарзанднинг бетийиқ қилмишларини юраги кўтаролмай шу манзилга йўл олган бўлса, бировининг кексаллиқдаги инжиқликларига сабри этмай, фарзандларининг ўзи ота-онасига шундай ҳаётни раво кўрган...

— Ҳа, қарияларнинг режасига тан бермай илож йўқ. Уларнинг бефарзандлиги шунга ундаган. Аммо Японияда (аслида бундай муносабат дунёнинг ҳар бир четда топилмади) ҳам кексаларнинг ёшлар эътибори, гамхўрлигига муносабат бор гап. Яқинда бу мамлакатда давлат томонидан расман кексалар учун шахарча барпо этилди. Маълумотларга қараганда, мазкур қариялар уйда уларнинг бекаму кўст умр кеңириши учун ҳамма шароит бор: энг сифатли озиқ-овқат, кунинга икки маҳал табибий кўрик, савоҳатлар... Ҳуш, нега бундай масканга эҳтиёж туғилди?

Кунчиқар мамлакат ёшлари ўз ота-оналари билан бирга яшашни исташмайдими? Очиғи, ушбу саволга жавобни қақат четдан эмас, ўз юртимиздан ҳам излаш керак. Бизда ҳам шунга ўхшаш масканлар бор. Республика бўйича 33 та «Саховат» ва «Муруват» уйлари мавжуд. Тошкент шаҳар Қорақамиш даҳасидаги Республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати ҳам шунлар жумласидан. Аини пайтда мазкур даргоҳлар давлатнинг, ҳукуматнинг эътиборида.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 3 июлдаги «Муруват» ва «Саховат» интернет уйларида яшайдиган ноғиронлар ва кексаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан Республика ва ҳудудий васийлик кенгашлари ташкил этилган. «Муруват» ва «Саховат» интернет уйлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш Республика васийлик кенгаши сўрови билан аини кунда мазкур маскан Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан замонавий тилда қўриб, жиҳозлаб берилган. Бу ерда турли миллат вакиллари бир оиладек яшайди.

Сирасини айтганда, бундай манзилларга шунчаки кириб бориш мушкул. Остонасига яқин

баён қилинган. Анкабут сураси, 8-оятда: «Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик...» дейилади. Пайгамбаримиз (саллаллоху алайҳи ва саллам) ҳам ўз ҳадисларида: «Парвардигорнинг розилиги ота-онанинг розилиқига боғлиқ. Унинг газабига ҳам ота-онанинг нотрозилиқига қараб бўлади», дея таъкидлаганлар (Табароний риъояти)...

— Бола-чақаси, оиласи йўқ, ёлғиз кексалар учун бу маскан аини мудоао. Лекин ўз оиласи, фарзандлари билан бирга яшаганга нима етсин, — дейди Тўхтамурод бобо Жўраев. — Кўриб турганингиздек, шарт-шароитларимиз яхши, бинони таъмирлаб, янги жиҳозлар қўйиб беришди. Ҳар бир кишига алоҳида хона — теле-визор, музлатгич ва бошқа керакли жиҳозлар бор. Кечаю кундуз тибиёт ходимлари назоратидамиз. Ҳар бир хонада мана бундай «турмача» бор, бирор нарсага эҳтиёжimiz бўлса ё тобimiz қочиб, безовта бўлсак, шу тургани босамиз. Келиб ҳолимиздан хабар олишди. Уйимизда бундай шароит қайда... «Тез ёрдам» қақирсак, камидя ярим соат кутамиз. Бу ерда ҳаммаси ўз вақтида. Қари киши нимани истади — овқати, дам олиши ўз вақтида бўлиши. Бу маскан аинан шу ҳиҳатдан маъқул. Ҳеч нарсани кутмади. Ҳаётда бир кун раҳбариятдан келиб, шарт-шароитимизни, аҳолимизни сўраб-суриштиришди. Бу томонлардан мамнунимиз...

Бобо пансионатдаги давлат бюджети ҳисобига ва ўз ҳисобига яшовчилар учун табибий имконият бир хил эмаслиги ҳақида биров орини бўлмасди. Бунинг сабабини сўраганимизда: — Давлат бюджети ҳисобига яшашнинг маълум шартлари бор, — деди пансионат директорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Шарофиддин Бобоқуллов. — Бюджет ҳисобидидаги пенсиясининг ўн фоизини кўларига олишди, қолгани бюджет ҳисобига ўтади. Мана шу сабабдан уларга бепул дори-дармонлар берилади, ойлик тўловни тўлашмайди. Бунини уларга тушутирдик. Кекса киши ёш боладек бўлиб қолади. Уларга гамхўрлик қилиш бурчимиз, албатта. Бу дар-


гоҳга келиб, ҳомийлик қиладиганлар кўп. Фақат ўз қондошларини соғинганда, кўзлари тўрт бўлиб кутганда, биров диллари хуфтон бўлади... Бундан бир неча йил аввал худди шундай даргоҳлардан бирида бўлганимизда, зиёли бир онахонни учратдик. «Ёшлигимда узукун ишда бўлиб, ёлғиз ўғлимга етарлича меҳр-эътибор беролмабман, шекилли, акс ҳолда бугун бу ерда бўлмасдим, — деган эди шўрлик она ўғлини айблашни истамай. — Ўғлимнинг икки қаватли катта ҳовлиси бор. Лекин у ерда менга ажратилган хона ўта совуқ, кўёш нури тушмайди. Бу ўғлимнинг эмас, келинимнинг иши... Кексайга, офтоб тафтига кўпроқ эҳтиёж сезаркансан киши...»

Меҳр тафти қалбини илитса, офтоб тафтига ҳоҳат қолмасди, балки... Яхшики, «Саховат», «Муруват» уйларида ҳомийлик қилиб, ўзининг бу ишини намоён этишни истамаётган бағрикенг инсонлар ҳам бор. Қўшнингини оши қорин тўйдирмас, аммо меҳру оқибатни оширад, дейди доно халқимиз. Ҳақ гап. Бегона бўлса-да, мана шу «қўшнингини оши» туфайли икки ўртада меҳр-оқибат риштаси боғланади. Бошқа томондан қараганда, ушбу даргоҳда ҳомийлик тадбирларини уюштирганларни кўриб, кексаларнинг қалбидан нималар ўтарқин?! Улар ўрнинда ўз фарзандини тасаввур қилиб кўрармикан: қанийди, менинг фарзандим ҳам мана шу савоҳатпеша инсонга ўхшаб, кўпнинг дуосини олса... Мадорин кетганда ҳассага эмас, унинг аллдек қомаტიга сунясан, тенгдошларини олди-да «Мана, меннинг фарзандим ота-онасини ана шундай ардоқлайди», дея гурур билан бошимни баланд кўтариб юрсам...

Бу каби эзгулик тадбирлари ота-онаси, яқинларини қариялар уйда қолдириб кетаётган бемехрларга ибрат бўлганда эди, бундай масканларга эҳтиёж қолмасди... Ушбу даргоҳ пештоқиға ёзилганидек, ҳамма бир-бирига ганимат бу дунёда яқинларимизга меҳр қўлларини узатайлик!

Холида ФАЙЗИЕВА, журналист.

Ҳаммамизга маъқул қатъий қарор



МУНОСАБАТ

Кўп йиллардан бери маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланаман. Тўй мавзусида жуда кўп тадбирлар, учрашув ва суҳбатлар ташкил қилганмиз. Бироқ самараси деярли сезилмаётганди. Негаки, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тўй ва маросимлар билан боғлиқ тадбирларни гап-сўз билан меъёрга солишнинг деярли иложи бўлмаётганди. Бунинг учун мана шундай дадил қадам, қатъий қарор керак эди.

Қарийб чорак асрдан бери турли миллат вакиллари орасида меҳнат қиламан. Очиғини айтганда, тўю томошалар, ҳуда-беҳуда лозимандаларга бизчаллик ружу қўйган миллат йўқ. Тўй экан деб, орқа-олдимизга қарамай, уйламай-нетмай, бор-будимизни совуриб, азиз жонимизни минг бир балоларга гирифтор қилиб, ҳаракатга тушиб қоламиз. Баъзи уч-тўрт сўм топиб, босар-тусарини билмай қолганлар-ку, худди кимлар биландир мусобақага киришгандек, шохона дастурхонлар тусабо, унга одамни жонидан бошқа ҳамма нарсани қўйдиганлар ҳам қўлайиб кетди. Ваҳоланки, айримларимиз бу каби дастурхонларда ушбу нозу неъматларни умуман кўрмаганмиз.

Замондошларимиздан бирининг ана шундай тўйига юртимизда хизмат сафарига бўлган бир чет эллик меҳмон ҳам тақлиф этилибди. Ажнабий хоним тўйига келиб, тузилган дастурхонга қараб ханг-манг бўлиб қолибди. Бироқ унга ҳар қанча олин-олин қилишмасин, ҳеч нарсага қўл теккизмасмиш. Олдидагилар ҳадеб қистайвершиганидан кейин, секингина «Бунча егуликча тўлайдиган пулим йўқ», — дебди. Шунда аёлларимиз «Олаверинг, пулини тўй эгаси тўлаб қўйган», дейишибди. Ҳайратдан ниҳоятда ажабланган меҳмон: «Нима, тўй эгаси бирор компаниянинг директорими?», деб сўраган экан. Ҳа, ачқирқаб бўлса ҳам айтишга мажбурман, шу кунларда бизда ўтказиладиган ҳар бир тўйнинг эгаси бир кунга «компания директорига» айланади, тўй ўтган эса, машхур эртақдагидай тешиқ тоғора билан қолган баллиқчининг кампиридай абгор аҳволга тушади.

Кўп йиллар нуфузли бошқармада фуқаролар мувожаати бўйича ишлаганман. Тўй ўтказиш учун фоизсиз ссуда сўраб қабулга келувчиларнинг аксарияти ўзбеклар эди. Раҳбарият қорхона имкониятидан келиб чиқиб, бундай илтимосларга ҳам маъна ажратарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди,

бир аёл боласига суннат тўйи қилиш учун фоизсиз ссудага ариза қолдириб кетди. Кейин бир танишининг уйига бориб, ссудага ариза берганини, 15 кунда қўлига пул тегишини, фоизи билан қайтаришини айтиб, ундан катта миқдорда қарз олибди. Бу пулларга бутун қишлоқни йиғиб, катта суннат тўй ўтказибди. Бу орада қорхонада иктисодий тақчиллик юз бериб, мувожаатчиларга фоизсиз ссуда бериш бекор қилинди ва аёлнинг аризаси қаноатлангирмай қолди. Бунинг эшитган аёлнинг ҳолатини тасаввур қилаётгандирсиз. Танг аҳволда у ёқдан бу ёққа қарз сўраб роса югурди, деярли бош суқмаган хонадонни қолмади. Унинг жонига эри ҳам, қайнота-қайнонаси ҳам, қариндош уруғи ҳам оро киролмади. Минг афсуски, бир кунлик тўйни деб, хонавайрон бўлган аёл болаларини оч, юпун қўйиб, олган ойлигини уч-тўрт йиллаб йиғиб, қарзини тўлаб юрди. Ҳа, тўй ўтказиш билан боғлиқ бунга ўхшаш воқеаларнинг жуда кўпига гувоҳ бўлганман. Ҳатто, оқибати фожиа билан тугаган ҳолатлар ҳам бўлган.

Бу борада сал эс-ҳушимизни йиғиб, бошқа миллат вакилларидан ўрнак олайлик. Масалан, европалар тўйларини моддий шароитга қараб, 30-40 чоғли одам иштирокида, ихчамгина ўтказишади. Тўй дастурхонига кетган харажатни таширф буюрган меҳмонларнинг тўёна пуллари қоплаб кетади. Ота-оналар орта пулдан ёшларга қўндалик эҳтиёжларини учун зарур бўлган музлатгич, телевизор, компьютер каби жиҳозларни соғва қилишади.

Шу йил апрель ойида қизимизни турмушга узатдик. Гап-сўзларимнинг исботи сифатида камхарж ва камчиқим тўй қилишга ҳаракат қилдим. Қизим ҳам «Аяқон, мени улғайтириб, ўқитиб турмушга узатайсизлар, раҳмат. Бу ёнга ортиқча харажат қилманлар, мебель ҳам керак эмас. Зарур жиҳозларни ўзимиз кўевингиз билан ишлаб, сотиб ола-

миз», деди. Биз рози бўлдик.

Тўйдан олдин ортиқча борди-келдиларга йўл қўймадим. Фақат беш-олти нафар киши билан унаштириш маросимини ўтказдик, холос. Қолгани бир кунлик тўйда бўлди. Эрталаб биз ош қилиб, эҳсон қўтказдик, кечқурун қанда томон тўй қилди. Ассосийси, сон-саноксиз тоғоралар у ёқдан бу ёққа сарсон бўлмади. Келин-куёвдан ташқари бошқа бировга сарпо қилинмади. Чиройли патнисга тузилган «Қуръон», «Ҳадис», «Бахтиёр оила», «Ота-онага хизмат қилиш» каби муқаддас китобларимизни чиройли тилқалар билдириб, тўйхонада катта тантана, истак ва меҳр билан ёшларга тақдим қилдик. Бу ҳамма меҳмонларга маъқул келди.

Қўдалар ўзаро келишиб иш тутганимиз учун бирим чиройли тўй бўлди. Ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Меҳмонлар яйраб келиб, яйраб кетишди. Аиникса, Қирғизистондан келган қариндошларимга тўй жуда маъқул келди. Улар «Вой тавба, шунақа тўй қилса ҳам бўларкан-у», деб ҳайратланиб орта қайтишди.

Янаям эътиборлиси, тўйдан кейин бир ойгача қанда-қанда бир-биримизни безовта қилмадик. Тўй ташвишларини билан чарчаганимиз учун бир-биримизга дам олишга имкон яратдик. Қизимиздан телефон орқали ҳол-аҳвол сўраб турдик. Орадан бир ой ўтиб, қўдаларимиз келин-куёвни олиб меҳмонга келишди.

Демак, ҳаётимизни осонлаштириш ўз қўлимизда экан. Минг машаққат билан топган маблағларимизни турмуш шароитимизни оширишга, саломатлигимизни тиклашга, фарзандларимиз таълим-тарбиясига, дам олиш ва савоҳатларга боришга сарфласак, қандай аъло иш бўлади. Ҳамма гап ўзимизда, журъатимизда қолган.

Салима ХОЛДОРОВА, Навоий кон-металлургия комбинати музейи раҳбари.

Матбуот анжумани

Бугунги кунда 90 фоиз конвертациялар бевосита мобиль иловалар орқали амалга оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аҳборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида «Асака» банк томонидан «Банк тизимда пластик карталарга хизмат кўрсатиш, уларнинг турлари ва афзалликлари» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Тадбирда мамлакатимизда пластик карталар орқали нақд пулсиз тўловларни амалга оширишни ривожлантириш йўлида «Асака» банки салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани таъкидланди. Шунингдек, бугунги кунда банкнинг барча филиалларида туну кун — 24/7 режимида ишлайдиган 20 шохбона ва меҳмонхонада 189 банккомат ҳамда инфокиоскалар мижозларга хизмат кўрсатиб келаётгани ҳамда жорий йилнинг 31 декабрга қадар бу каби шохобчаларнинг сонини 40 тага, банккомат ва инфокиоскаларнинг сонини 266 тага етказиш режалаштирилган ҳақида ҳам маълумот берилди.

— Банкимиз капитал ва активлар ҳажми бўйича Республика тижорат банклари ўртасида етакчилардан бири ҳисобланади, — дейди «Асака» банки бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев. — Президентимизнинг 2018 йил 18 сентябрдаги «Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан жами 2,5 минг дон «Хумо» миллий тўлов тизимига мансуб тўлов терминаллари ўрнатилди. Ҳозирги кунда 51 минг дон «Хумо» тўлов карталари муомалага чиқарилди. Шу билан бирга, жорий йилнинг сентябрдан ушбу карталарга «Овердрафт» кредитларини ажратиш жорий қилинди. Ушбу кредит тури банк мижозларига 25 фоиздан тақдим этилмоқда. Бундан ташқари, банкнинг мижозлари бўлмаган фуқароларга ҳам 35 фоиздан микрокредитлар ажратилиб келинмоқда. Эътиборли жиҳати — бу иккала кредит турига ҳам ортиқча ҳужжатлар талаб қилинмайди ва кредит олувчилар хоҳласа, нақд пулда, хоҳласа пластик карталарга тушириб олишлари мумкин.

Шунингдек, молия муассасаси томонидан мижозларга қўлайлик яратиш ва масофавий хизматлар қўламини кенгайтириш мақсадида «Asaka mobile» мобиль иловаси жорий қилинди. Ушбу илова орқали картадан картага пул ўтказиш, онлайн омонат очиш, онлайн конверсия амалиётини ўтказиш, кредитларни сўндириш, коммунал, бюджет, солиқ, интернет ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни ўтказиш имконияти мавжуд. Шу билан бирга, «Asaka mobile» мобиль илова орқали «оилавий карталар»ни бошқариш янги хизмат тури жорий этилди. Бу хизмат тури орқали мижозлар оила аъзоларига қўшимча карталар олиши ва ўз ҳисобларидан ўзи белгиланган лимит доирасида амалиётлар бажариши мумкин.

Уттан йилнинг 8 ойи давомида жисмоний шахслар томонидан масофавий хизматлар орқали жами 250 миллиард сўмлик 2 минг 69 мингта транзакция амалга оширилган бўлса, жорий йилнинг 1 сентябргача жами 407 миллиард сўмлик 1 минг 894 мингта транзакция амалга оширилган.

Республикаимизда туризмни ривожлантириш ва туристларга қўлай шарт-шароитлар яратиш мақсадида банк тижорат банклари ўртасида биринчи бўлиб «MasterCard», «UnionPay» ва «UzCard» тўлов тизимларига мансуб тўлов карталарини бир банккомат ёки терминалда хизмат кўрсатиш амалиётини жорий қилган ва бугунги кунда банккоматлар «HUMO» ҳамда «VISA» карталарига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу эса маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмонларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга асос бўлади.

— Олдинлари валюта конвертацияларининг атиги 10 фоиз мобиль илова орқали, 90 фоизи эса бевосита банкнинг ўзида анъанавий тарзда амалга оширилган, — дейди «Асака» банки чакана бизнес департаменти бошлиғи Бекзоат Абдурахмонов. — Бугунги кунга келиб, 90 фоиз конвертациялар бевосита мобиль иловалар орқали бажарилмоқда. Бу аҳоли ўртасида мобиль илованинг ҳар жиҳатдан қўлайлиги тан олинаётганининг исботидир.

Анжуман давомида: «Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 16 фоиз қилиб белгиланган бўлса-да, маърузада банк мижозларига «Овердрафт» кредитлари 25 фоиздан, банкнинг мижозлари бўлмаганларга эса 35 фоиздан микрокредитлар ажратилиб келинаётгани айтиб ўтилди. Бу ажратилаётган кредитларнинг фоизи биров баландроқ эмасми?» деган саволга банк бошқаруви раиси ўринбосари Бобохон Абдуллаев қуйидагича жавоб қайтарди.

— Тўғри, марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 16 фоиз қилиб белгиланган бўлса-да, биз аҳолининг бўш турган маблағларини 24 фоиздан омонатларга жалб қилмоқдамиз. Шундан келиб чиққан ҳолда банкимиз мижозларига 25 фоиздан «Овердрафт» кредитларини ажратаямиз. Бонси, уларнинг ҳисоб рақамлари банкимизда бўлганлиги боис кредитларни ўз вақтида сўндиришда муаммолар бўлмайди. Аҳолига тақлиф этилган микрокредитларнинг фоизини 35 қилиб белгиланганининг сабаби банк таваккалчилликлари ҳисобга олинган. Чунки улар бошқа банкнинг мижозлари бўлганлиги учун ҳисоб рақамларидаги маблағларини қўриб туриш имконияти йўқ. Яъни, ажратилаётган микрокредитларнинг ўз вақтида қайтмаслик эҳтимоли юқориридир. Шундай бўлса-да, банкимиз катта таваккалчиликни ўз зиммасига олган ҳолда аҳолига микрокредитлар ажратиб келмоқда. Бир сўз билан айтганда, банкимиз жамоаси билан биргаликда ажратилаётган кредитларнинг фоизини қамайтиришга, яъни аҳолига маъқул бўладиган фоизга туширишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Тадбир сўнггида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

«Биз фақат тадбиркорлик, тинимсиз меҳнат ва интилиш орқали тараққиётга, фаровон ҳаётга эриша оламиз»

ШУ КУННИНГ ШУКУҲИ

КОСОНЛИКЛАР ҚАЛБИ

интилиш, яратилиш ва орзу умидларга тўла

МАЪНАВИЯТ

Хар гап Косон заминига қадам қўйганимда, ҳаяжон оғушида қоламан. Буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг ёшлиги шу кенгликларда, устози — улуг олим Озод Шарофиддинов лутф қилганидек, «зангори денгиз ўртасидаги бир оролча» мисол Некўз қишлоғида ўтган.

Уз Халқи, Ватани, Истиклол ва Ҳаётни ўзигагина хос истеъдод билан қўйган шоир дунё кезганида ҳам ҳаммиша юртига, Қашқа воҳасига, Косон кенгликларидида ана шу кичкина қишлоғига талпиниб яшагани. Улуг донишмандлардан бири шоирни англамоқчи бўлсанг, тутилган жойига бор, деган экан. Абдулла Орипов олтиншичин йилларда ёзилган бир шеърда шундай деганди:

*О, сен Ватан, киндик қони томанга жой
Сени сўрмай, кўрмай бўлурми?
Кўз кўрагани бишу қаринча —
Она бағрин севмай бўлурми? ..*

Бугун ҳам у барҳаёт, шеърлари тиллардан тушмайди. Президентимиз тақлифи билан Қарши шаҳрида улуг шоирнинг ижод мактаби ташкил этилди. Иқтидорли, адабиётга, ижодга меҳр қўйган ёшлар таълим олаяти бу мактабда.

— Э, хуш келибсиз, — самимий саломлашади биринчи суҳбатдошим тадбиркор Холмат Тўраев.

— Биласизми, Косон шаҳридаги бир парча ер ҳам талаш бўлиб қолди. Ҳокимимиз «Ким кутубхона курса, ўшанга ажратамиз» деди. Ҳаётда кутубхона бўлди. Маблагимиз озлик қилди, банкдан 500 миллион сўм кредит олдиқ. Ҳозир қўш қаватли иморатнинг томини ёқдик, пардозлаш ишлари бошланди. Биринчи қаватда кутубхона, иккинчи қаватда кироатхона бўлади. Китобларнинг электрон нусхасини ҳам яратимиз. Шу энг масканини улуг шоиримиз Абдулла Орипов номи билан аташни ўйлаб турибмиз.

Баракка толинг, дейман унга. Туман маданият бўлими бошлиги Жасур Азимов юртимизда оруз-ҳаваслар билан амалга оширилаётган 5 ташаббуснинг адабиёт, санъат йўналиши, китобхонлик ва маданият ишлари ҳақида ҳикоя қилади. Бойғунди маҳалласидаги «Дўстлик» маданият марказида санъат йўналишида 5 тўгарак, 2 та фольклор, ҳамда «Хумо» ашула ва ракс ансамбиллари фаолият кўрсатмоқда. Яна 2 та мусика ва санъат мактабиди 480 нафар ёш таълим олмақда.

Шу йилнинг март ойида Нартичқур маҳалласида «Эзгу зиё» китоб дўқони ишга тушибди. Бир сарҳоватли тадбиркор шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғини қайтадан қуриб, обод қилибди. Тумандаги мактабларнинг кутубхоналари 5 миң нусхадан ортиқ китоблар билан тўлдирилди. Туман ҳокимининг ўринбосари Убайдулло Очиллов ўзининг қишлоғи — Пўлатига бошлаб борди. Тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалладиган қишлоқда 30 мингдан кўпроқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Қишлоқдан таниқли шоир, санъаткор, олимлар етишиб чиққан. Айниқса, тадбиркорлари серғайрат, натижа қўлпаб маданий-маиший бинолар қурилиган, қишлоқ шаҳар тусини олган. Тадбиркор Бағригев Оминов ўз қишлоғида шахмат клуби, «Бунёдкор» стадиони, кутубхона қуриб берибди.

Кутубхона мудури Муҳиддин Дибровнинг айтишича, 7 миң жилдан ошқ китоб жамланган. Ҳаётда қўйиша беришаркан. Қироатхонада 73-мактаб 7-синф ўқувчилари китоб муроала қилишадиган экан. Ўқувчилардан Жасмина Жобинова, Рухсод Турдалиева «Исмлар маъноси» китобини кўздан кечирисаётган экан. Гулсанам Бегимкулова ўзи ёзган шеърлардан ўқиб берди...

УМИД ОСТОНАСИ


Давр талаби шундай: ҳалқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари ҳалққа хизмат қилади. Тумандаги «Халқ қабулхонаси», Бош вазирнинг қабулхонаси шундай вазифани бажаряпти. Косон шаҳри марказида яқинда ишга тушган «Давлат хизматлари агентлиги»нинг қўрам бисносига кирганимда, давр руҳини ажқол сездим.

Бу масканда 120 дан зиёд давлат хизмати жамланибди. Маълумотларга кўра, ҳозиргача 65 миңдан кўпроқ мурожаат тушибди. Кимдир ўйини ҳужжатлаштириши керак, кимдир ўйи қуриш учун ер олиш тартиби билан қизиққан ва бошқа масалалар. — Мен шаҳардаги Янгибод маҳалласида яшайман. — дейди агентликка келган Дилноза Жўраева. — Олти ёшли ўғлим Нурбекни боғчага бермоқчи эдим. Тушунтиришди, навабта ёзиб қўйишди. Узлари хабар қилишаркан. Лекин телаштиришининг иложи бормикан? Қани энди ўғлим тезроқ ўқиш-ёзишни ўрганса...

Бу ўрнадан муҳим масала эди. 2017 йилда мактабча таълим вазирлиги тузилган пайтгача туманда бирорта ҳам боғча қурилмапти. Уч вилдан етти ёшгача бўлган болаларнинг атиги 11 фоизи боғчага қатнар экан. Жуда катта ишлар бошланган, қизин давом этаётти, янги-янги таълим масканлари фаолиятини бошламоқда. Ҳозир 39 давлат, 15 та давлат-хусусий шериқчилик ва 60 оилавий болалар масканларида 7 миң нафардан зиёд кичкинтой тарбияланиляпти, бу жами болаларнинг 30 фоизини ташкил қилади. Йил охиригача бу кўрсаткич 40-45 фоизга етади.

— Раҳматли турмуш ўртоғим шифокор эди, шу бино қурилишини бошлаган, касалхона бўлади, деб режа тузганди, — дейди «Кўзумчоқ» МТМ раҳбари Мавжуда Жумаева. — Иш тўхтаган, ўзимни туги олиб, банкдан 1 фоизли 720 миллион сўм кредит олдим. Яқин инсонлар кўмак беришди. Натижада кўрмак бино қурилди ва МТМга тайинланди. Ҳозир 120 бола тарбияланиляпти. Табиий газ бор, иситилиши яқин. Ота-оналар билан кенгашиб, ҳар бир бола учун 200 миң сўмдан маблаг олаямиз, кам таъминланган оиланинг 20 нафар фарзандига имтиёз берилган. Президентимиз ўтган йили менга «Дўстлик» орденини топишар экан, ишимизга муваффақият тилангандилар. Бу рўҳини кўтарди.

Болалар билан суҳбатлашаман, етти ёшли Жалилхон Зиёмуддинов харбий, Абдулатиф Мадатов шифокор бўлишини орзу қилаётганини айтиди. Турги, уларнинг ҳар бири эртага турли касбларни эгаллайд. Аммо орзуга етиш учун аввало яқин билим олиш керак. Хўш, бундай иқтидорли, қалби орзуга тўла болалар қайси мактабга боради? Бу фикр 94-мактабга бошлади. Жами 840 ўқувчига 57 муаллим дарс бермоқда. Кўпчилик илми маълумотли. Мактабда барча шароит яратилган. Математика фани ўқитувчиси Юлдуз Мақмудова дарс ўтаётган



8-синфга кирдик. Ўқитувчи болаларга эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилишга ҳаракат қилаётгани сезилиб турибди. Жиҳозлари яқини, кўргазмали куруллар етарли.

Туман халқ таълими бўлими мудури ўринбосари Уткир Эшонқолов ҳозир тумандаги 102 та мактабда 55 миңга яқин бола таълим олаётгани, устозларнинг 65 фоизи олий тоифали, ўқитиш сифати бўйича вилоятда 3 ўринда эканликлари, шунингдек, турт мактаб биснос таъмирланаётганини айтиди.

Беш ташаббуснинг навабтаги йўналиши — компьютер саводхонлиги учун мактабларда яқин шароит яратилганини кўрдик. Айрим ҳисобларга кўра, 16 миңдан кўпроқ ўқувчи компьютерларни ишлаштириш эркин ўрганиб бораляпти.

Мен навабтаги муҳим йўналиш — ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасидаги ишларга қизиқаман. Натжиалар жуда юқори. «Баркамол авлод» болалар марказида 30 тўгарак ташкил этилган, 500 дан зиёд ўғил-қиз турли спорт тўгаракларида шугулланмоқда. Бир тадбиркор Косон шаҳридаги марказий стадионни таъмирлаб берибди. Ўйингоҳ ва ёпиқ залларни қўшганда, туманда 430 дан ошқ спорт иншооти ишлар иштиерида. Гуваляк қишлоғидаги кураш ва бадиий гимнастика залларида умидли спортчилар камолга етмоқда. Масалан, миллий кураш бўйича Флора Эргашева ва Озода Тошмуродовлар халқаро мусобақаларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

— Бу иншоот олдинги йили ишга тушди — дейди болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари Анавар Эргашев. — Ёлик басеян қурилишига 3 миллиард сўм маблаг сарфланган. Бинога қўш батареялар ўрнатилган ва улар 7 ойгача сузиш ҳаваси сувини иситиб беради. Мураббий Акбар Бердиев 4 хил сузиш усулларини ўргаталяпти. Ҳозир бу ерда шугулланаётган 200 нафар боладан 45 нафари қизлар. Тиббий ҳамшираси кузатиб боради, позим топсақ, дўхтир қақирамиз. Шифокорлар йўланмаси билан қўрак қафаси нотўғри ривожланган, оёқ бўйини хасталиклари бор болалар учун алоҳида сузиш машқлари ўтказилади...

Бу яқин ишлар дилмига қувонч бағишлаяпти. Юриб-юриб «Машъал» ҚФЙ идорасига келдик. Бошқа жойларда бўлгани каби туман ҳудуди 4 та секторга бўлинган бўлиб, туман ҳокими одамларни қабул қилаётган 1- сектор бисноси яқинда ишга тушибди. Болали аёллар, мусика хоналари, шахмат, шашка ўйнайдиган жона, 2 миң жилд китоб жамланган кутубхона ишлаб турибди. Тивуқчилик цехида Дилором Абдуллаева қизларга чеварлик сирларини ўргатамоқда.

Беш ташаббуснинг яна бир муҳим йўналиши — хотин-қизларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ишга жойлаштириш борасида ана ишлар амалга ошмоқда. Мурожаат қилган 36 хотин-қизга ўз биснесини ташкил этиш учун 794 миллион сўм кредит берилди. Бу йил 208 нафар хотин-қиз ишга бўлди. Яна бир режа ҳақида айтишди. Ногирнолар учун Косон шаҳрида 12 хонадонли янги уй қурилар экан...

АБАДИЙ БОЙЛИК ВА ТАДБИРКОРЛИК

Эсабой қишлоғи кўп йиллардан бери Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши шаҳарлари, ҳатто қўшни Туркменистонга ҳам серталаб сара сабази етиштириб берадиган дехқонлари билан машхур. Қишлоқда «Бир сўм бўлса ҳам, ўн сўм бўлса ҳам сабази эк, ҳам бўлмайсан», деган нақл авлоддан-авлодга ўтиб келар экан.

— Қишлоғимиз азалдан сабази, шолғом етиштириб келади, — дейди МФЙ раиси Ақром Мардонов. — Қишлоқда 3,5 миңга яқин аҳоли истиқомат қилади, 126 гектар томарқамиз бор. Баҳорда ҳовлида эртанги сабази, шолғом етиштирямиз. Галла ўрилган, фермерлардан ижарага ер олиб, кузги сабази экамиз. Етилганларини ҳозир қавлаб, ювиб, харидорларга топширяямиз. Қани, юринг-чи!

Қишлоқни оралайман, янги уйлар, машиналар кўп. 5-10 гектар майдондаги сабазини бегона ўтдан тозаллаб, суғориб, яшатиб қўйган дехқонларга қўйил қиласиз. 15 хонадон ўзига иссиқхона қуриб, памидор, бодиринг, лимон етиштирар экан. — Дехқончилик орқасидан янги машина олдиқ, уйли бўлдиқ. Яқин ният қилиб, савдо дўқони, қойхона, кичик стадион қурдим. Етмаганига банкдан 150 миллион сўм кредит олдим. — дейди дехқон Шерзоқ Умрқоқов.

Туман фермер, дехқон ва томарқа эгалари кенгаши мутахассиси Нуржон Жўраев айтаверди, мен ёзиб олавердим. Фермер хўжаликлари бир тараф. Аммо бу ерда дехқон хўжаликлари ва томарқачилик ривожига ҳам катта эътибор берилаетган экан. Эсабой қишлоғида сабази, Пудинада узум, Арабхона



маҳалласи чорвачилик махсулотлари, Нартичқуч маҳалласи помидор қўчатлари етиштиришда намунали экан. Асаларичилик, парранданилик, балиқчиликни ривожлантириш бўлган ва иссиқхоналар қуриш истагини билдирганларга миллиард сўмлаб кредит ажратилиб, улар қўллаб-қувватланибди. Менга 10-15 хонадонда туя парваришлаб, шифобахш сутини одамларга етказиб бераётган, 60 миллион сўм кредит эвазига 33 бош туяқўш олиб келиб, парвариш қилаётган тадбиркор оилалар ҳақида гапириб беришди. Ҳозир тумандаги 3234 тадбиркорлик субъектининг тенг ярми яқна тартибда меҳнат қилаляпти.

Бу йил 18 миң 100 гектар майдонга бугдой экилиб, шартномадаги 50 миң 198 тонна ўрнига 66 миң тонна дон давлатга етказиб берилди. Яна 3299 тонна сара уруғлик дон жамғарилган. Юқори ҳосилнинг сабабини сураганимда, аввало, астойдил қилган меҳнат, дейишди. Кейин ҳелимизация, янги дренаж тизими яратилгани, зовур-ариқлар сифатли тозалангани, суғоришда илгор усуллар қўллангани мўл ҳосилга асос бўлганини айтишди.

— Бу йил баракка ётигиди, ака, — дейди қувониб «Темирова Зулайхо» фермер хўжалиги раҳбари Холбозор Бабанов. — 53 гектар галлазорининг ҳар гектаридан 70 центнердан ҳосил кўтардик. Шартнома режасини ошириб адо этдик. Энди 53 гектар майдондаги «Бухоро-6» навли пахта ҳосилини нобуд қилмай йиғиб олишга ҳаракат қилаямиз. Қаранг, пахта чамандек очилган.

Дарҳақиқат, пахтазордаги ҳосилни қўриб, қўзини қувонади. Жами 25 миң гектар пахтазор. Пахтадан «Бухоро-6» нави 74 фоизини ташкил этади, 6000 гектарда «Порлок» нави ўстирилган. Ҳосил шунчаликки, ўрганиб — чамалаб, 67 миң тоннадан ошадди хирмонимиз, дейишмоқда пахтакорлар. «Косон ёғ-экстракция» МЧЖ да чигитдан ёғ ажратилади, чорва учун ем тайёрланади, 200 га яқин ишчи хизмат қилаляпти. Келгусида ёғ ишлаб чиқарадиган янги корхона қуриш режаси бор. Бугун 2 миң гектарда «Бунёдкор» МЧЖ кластер усулида пахта етиштиряляпти. Келгусида бу корхонага ажратиладиган пахта майдон 10 миң гектардан ошаркан.

Янгиликни қўриш учун ушбу хусусий корхонага бордим. Ҳозир ип-йиғирув корхонасида 75 ишчи-ҳодим меҳнат қилаляпти. Махсулот тўлиқ экспорт жўнатилаляпти. Ишбоши Мирзо Шариповнинг айтишича, усуналар Германия ва Хитой давлатларида келтирилган. Кўрдик — ана катта янги цех қурилишда. Келгусида тивуқчилик цехи ташкил этиларкан. Бу — юзлаб янги иш ўринлари дегани.

Туманда чорвачиликни ривожлантириш учун ҳам катта имкониятлар мавжуд. Жами ер майдонининг 50 миң гектарга яқини яйлов. Маълумотларга кўра, 540 миң бошдан ортиқ қўй-эчки, 167 миң бошдан зиёд қорамол парвариш қилинмоқда. Наслчилик ишларига катта эътибор берилмоқда. Сутини қайта ишлаш кичик корхонаси фаолият кўрсаталяпти. Жўнини қайта ишлаш йўлга қўйилади.

— Биз болаларимиз издан бораёмиз, — дейди «Ботир» терини қайта ишлаш хусусий корхонаси раҳбари Шамсиддин Тошмуродов. — Бобом жун, тери тайёрловчи бўлган. Отам ва кейинчалик мен Самарқанд қишлоқ хўжалик институтиди қорақўлчилик, териға иш бериш илминни ўргандиқ. Ўғлим Шарофиддин Бухоро технология институтиди мўйнага ишлов бериш усулларини ўрганиб, ёнимга кирди. Хуллас, отам 36 йил Бухородаги қорақўлни қайта ишлаш корхонасида меҳнат қилди, анча йил бош муҳандис бўлди. Демақ, бу касб оилавий. Хуллас, 1996 йилда кичик корхона туздиқ. Россия, Беларусь каби давлатларга қорақўл тери, пальто, шашка каби махсулотларни экспорт қилаямиз. Бу йил Беларусь Республикасининг Витебск шаҳрида бўлиб, қорақўл териға ишлов берадиган йирик корхонани қўрдим, иши билан танишдим. Натжиада Беларусь тадбиркорлари билан қўшма корхона туздиқ. Шу йилнинг 1 август куни Президентимиз Беларусь Республикасида давлат ташрифи билан бордидлар. Ушанди ўзбекистон кўнлари давом этаётган. Минск шаҳрида юртимизда етиштирилаётган махсулот ва буюмларнинг кўргазмаси очилганди. Юртбошимиз кўргазмага келиб, кўплар қатори бизнинг корхона махсулотларини ҳам кўздан кечирдилар. Бундан гайратимизга гайрат қўшилди. Насиб этса, бошқа орзуларимиз ҳам ушалади...

ОБОД ШАҲАР, ОБОД ҚИШЛОҚЛАР

Донишмандлардан бирининг ободонлик кўнигилдан бошланади, деган ҳикматли гапи бор. Бунинг тўқ маъноларидан бири — қалбада эзгу ниятлар бўлса, киши яқин ишларга қодир, дегандидир. Мен



дастлаб, туманда соғломлаштириш муассасалари иши билан танишдим. Туман тиббий бирлашмаси бошлиғи Олимжон Норбоев барча оилавий поликлиника ва ҚВПлар таъмирлангани, келгусида янгилари қурилиши ҳақида гапирди. Туғруқхонада шароитлар яқин бўлиб, бошқа туманлардан ҳам фарзанд кутаётган бўлажақ аёллар бу ерга келишаркан. 250 ўринли туман марказий касалхонаси келгуси йилда тўлиқ таъмирланар экан. Суҳбат асосида Райимсўфи қишлоғидан бир тадбиркор иссиқ сув билан даволайдиган санаторий қуригани тилга олинди.

Ҳавасим, қўғим келди. Гарчи, сиҳаттох туман марказидан 20-25 километр узоқликдаги «Турон» қўйчилик МЧЖ ҳудудида жойлашган бўлса-да, йўлга тушдик. Ҳамроҳим — ҳоким ўринбосари Убайдулло Очиллов қишлоқлар, ободончилик ишлари ҳақида сўзлаб борди. «Турон» хўжалиги катта яйловлардан иборат экан. Узоқдан, ям-яшил дархатзор кўзга ташланди. Яқинига боргунча, дархатлар билан қопланган биналарни қўриш қийин. Арча, қарагай, қайроғоч ва бошқа дархатлар зич ўраб олган биналар ичкарасига кирдик. Шифокор Ҳазратқул Мавқоев 1450 метр чуқурликдан қайноқ, шифобахш маъданли сув чиққани, «Турон» санаторийси икки йил олдин ташкил топгани, 50 ўринли экани, бел, оёқ ва бўгинлардаги касалликлар даволаниши ҳақида гапириб берди. Кўп кишилар билан суҳбатлашдик. «Мен Ташкентнинг Чилонзор туманида яшайман, дунё кезиб Чехиядаги Карло Вари санаторийсида ҳам даволанганман. Қаранг, ўзимизда шундай шифобахш сув бор экан... Яна келаман», дейди бемор Гулчехра Жўраева.

— Сиз 15-20 йиллик дархатларни кесмай, қандай қилиб биналарни қурганимиз билан қизиқаясиз, — дейди тадбиркор Арслон Элмуродов. — Қаранг, бийдай далада шу жой дархатзор. Аммо ҳеч ким бирор нарсга қуришни ўйламаган. Қурувчилар ашёларини қўлда ташиб, шу биналарни тиклашди. Ана, ён томонда 100 ўринли янги иморат қуриляпти. Ҳамма замонавий шароит муҳайё бўлади, чўки маъданли сувимиз ниҳоятда шифобахш. Бу йил 7 миңдан кўпроқ турфа дархат қўчатини эждик, яна ниҳоллар олиб келаемиз. Беморлар соя-салқинда роҳатланиб, даволанишадди...

«Обод қишлоқ» дастурига қиритилган Сурхон, Жарқум, Майдаёбу қишлоқларида бошланган, ниҳоятга етай деб қолган ибратли ишлар билан танишдим. Бир жойда янги йўл барпо этиляпти, яна бир жойда электр сими тортиляпти, бир жойда янги МТМ қуриляпти, хуллас, орзу-ҳавас билан қишлоқларни обод қилишмоқда. Косон тумандаги яна бир аъёна ҳавасимни келтирди. Бирор жойда бехудага дархатга тиз уришмас экан. Бу туман аҳолисининг ибратли фикатли.

— Косон шаҳрининг бош лойиҳаси тузилган. Мўл-жал, режа катта, — дейди туман қурилиш бўлими бошлиғи Фахриддин Назаров. — Муқтақиллик кўча-сида 3 та, хар берида 24 хонадон яшайдиган янги уйлар, амфитеатр қурилади. Йўллар таъмирланади, кенгайтирилади. Дархатлар бехуда кесилмайди, ҳокимимиз шундай вазифа қўйган. — Кейинги йилларда яқин ишлардан севианам, — дейди Косон шаҳридаги марказий бозор қурилишида иш бошқарувчи бўлиб турган Юсуф ака Жўраев. — Касбим қурувчи. Илгари туманда ободончилик ишлари пала-партиш олиб бориладди. Масалан, ҳукумат дастурига кирган марказий дехқон бозориди ҳам ўтган йили бир иш бошланди ва тўхтаб қолди. Янги ҳоким ишга дадил киришди. Жами савдо ўрни 1100 тага етади, 188 та янги дўкон қурилади, тадбиркорларга ер ажратиб берилган, иш бошланиб кетган. Аввал бозор ҳудуди 2,5 гектар эди, яна 60 сотихга кенгаймизди. Қойхона, ошхоналар қурилади, фаввора бўлади. 350 машина сақланадиган автоуларгоҳ ҳозирланмоқда. Дарвоқе, бозор ҳудудиға жой танлаб, дархат қўчатлари ўтказаман. Токи, бозор-ўчағра келганлар жазирама иссиқиди эмас соя-салқинда харид қилишсин. Раҳмат, дейишсин.

Дархат аслида ободлик рамзи. Қаредани, дархат мўл бўлса, боғлар бор бўлса, билинги, уша ерда қалби обод одамлар яшайди. Косоннинг дархатзор ва чаманзорга айланган бораётгани бош сабаби ҳам шундан. Косонни айланиб, шу кенгликлар бағридаги Некўз қишлоғида туғилиб ўсган буюк шоир Абдулла Орипов айтганлари ёдга тушади.

Ўзбекистон ягона — Ватан учун яшайлик, Ватан ичра бир гўзал чаман учун яшайлик ...

Юнус УЗОҚОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.

БИЛАСИЗМИ?

АҲОЛИГА ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҚЎРСАТИЛАДИГАН тиббий ёрдам рўйхати ишлаб чиқилади



Яқинда ҳукумат қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат Бюджети маблаглари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Унга кўра, Рўйхат ҳар йили Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тегишли молия ва режали давр учун Давлат Бюджети параметрлари тасдиқлангандан кейин 15 кундан кечикмай ишлаб чиқилади.

Рўйхат тиббий ёрдамнинг қуйидаги турлари бўйича шакллантирилади:

- шовиллиқ тиббий ёрдам;
- режали (шу жумладан бирламчи тиббий-санитария) ёрдам;
- ихтисослашган (шу жумладан юқори технология) тиббий ёрдам;
- паллиатив тиббий ёрдам.

Рўйхатга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан дори-дармонлар, сарфлаш материаллари ва тиббий буюмлари билан таъминлаш киритилади.

Рўйхат тиббий хизматлар турлари ва ҳажмлари белгилаб олинган ҳолда, тиббиёт ташкилотлари даражаси бўйича шакллантирилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, республикада мўқим яшайдиган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳамда чет эл фуқаролари тиббий қўрсатмалар бўлганда асосланган мурожаатлар билан Рўйхатга киритилган тиббий ёрдамни олиш ҳуқуқига эга бўлади.

МАҲАЛЛИЙ УНДАН қопли нон ишлаб чиқарувчиларга солиқ имтиёзи белгиланди



Донни қайта ишлаш корхоналари ва қопли нон ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш чора тадбирларни тўғрисида қабул қилинган қарорда қарорга мувофиқ, 2020 йил 1 йилгача фақат маҳаллий дондан ишлаб чиқарилган ундан таъмирланган қопли нон ишлаб чиқариши ва сотиш ҚҚСдан озод этилади.

2019 йил 1 октябрдан бошлаб импорт қилинганда ҚҚСга тортилган донни қайта ишлаш корхоналари ҚҚС бўйича солиққа тортилмаган айланамани Солиқ кодексиди белгиланган тартибда аниқлайдилар.

Шунингдек, қарор билан қиритилган ўзгартиришларга кўра, юридик шахслар белгиланган рўйхат бўйича четдан келтирилладиган ёғочтахта материаллари ва ёғоч учун ҚҚС тўлишдан озод қилиш бўйича имтиёз бекор қилинди.

«РЕГИСТОН»

комплекс ярим тунгача ишлайд



Самарқанд вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш ва уни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорга мувофиқ, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ЮНЕСКО рўйхатига қиритилган ҳудудлардан ташқари Самарқанд шаҳридаги ер участкалари меҳмонхоналар қуриш учун «E-IRO AUKSOIN»да электрон онлайн-аудион орқали жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этилади.

Шунингдек, шаҳарнинг «Университет» хиёбони, Ислон Қаримов, Алишер Навоий ва Пушкин кўчаларида хусусий инвесторларни жалб қилган ҳолда 2019-2021 йилларда туризм инфратузилмаси ташкил этилади.

Қарорга кўра: — «Боғи банд» ва «Боғи Шамол» боғлари жойлашган жойни аниқлаш орқали боғлар қайта ташкил этилади ва тарихий қиёфаси қайта тикланади;

— «Шероз қалъа», «Добуссия», Ревдат шаҳарчаси — Кофир қалъа, Афросиёб шаҳарчасидаги археологик ёдгорликлар ЮНЕСКО билан келишилган ҳолда реставрация қилинади;

Ота-она меҳри қанақа бўлишини ҳис қилгим келади.

Боланинг бегонаси бўлмайди

Ёки атрофимиздагилардан эътиборимизни аямайлик

БАҒРИ КЕНГЛИК

«Меҳрибонлик уйи». Шу иккита сўз ўнлаб, ҳатто юзлаб турли тақдир эгаларини бир том остида бирлаштиради. Туғилибоқ, ҳаётнинг синовларига дуч келган мурғак қалб эгаларининг тақдири ҳам бевосита ана шу сўзлар билан туташир. Минг афсуски, йил сайин қисқариш ўрнига Меҳрибонлик уйларининг кўламини кенгайтиришга тўғри келмоқда.

Бироқ болажон халқимиз томошабин бўлиб турмайди. Улар ҳамиша ўғил-қизлар ҳолидан хабар олиб, яшаш тарзи билан яқиндан танишиб боради. Кун кеча Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши фаоллари Чирчиқ шаҳридаги 14-сон «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари билан учрашди. Муассаса раҳбари Фарида Кенжаева очик чеҳра билан меҳмонларни кутиб олар экан, айрим маълумотларни айтиб ўтди.

— «Меҳрибонлик уйи» етим ёки қонуний васийлар қарамоғида бўлмаган, суд ҳукми билан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, ота-оналари воз кечган болалар учун ташкил қилинган, — деди у. — Бу ерда 3 ёшдан 16 ёшгача бўлган соғлом болалар яшаш ва тарбияланиши учун барча зарур шароитлар яратилган. Айни пайтда бу даргоҳда 124 нафар (67 нафар ўғил, 57 нафар қиз) бола яшайди. Тарбияланувчиларнинг 63 нафари ўзбек миллатига мансуб. Болаларнинг 38 нафари чин етим, қолганларининг ота-онаси маълум сабабларга кўра, ҳуқуқларидан маҳрум қилинган, расман ўз фарзандидан воз кечган ёки узок муддат хабар олмай ташлаб кетган.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йил 11 февралдаги етим ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кўчатиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан «Йўл ҳаритаси» ишлаб чиқдик. Ўз фаолиятимизни ана шу асосда давом эттиряпмиз. Муассасамизда болажонлар учун жуда кенг ва қўлай имкониятлар яратилган. Тарбияланувчиларни ўқитиш ва боқиб тўла давлат таъминоти асосида белгиланган тартибда амалга оширилади. Мақтаб таълим-тарбиявий дастурига мувофиқ маънавий-маърифий ва маданий-оммавий тадбирлар олиб боради.

Бу ерда энг сўнгги замонавий техник ҳамда машиини жиҳозлар, турли тўғараклар ва бошқа барча шароит муҳайё этилган бўлмасин, оиланинг ўрнини боса олмайди. Ота-оналари бермаган меҳр ҳамиша уларнинг қалбидаги армон бўлиб қолаверади. Ана шулар ҳақида ўйласан, юрагинг ўртанади. Лекин болаларнинг қаровисиз қолмагани,

давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан қувонаман.

— Боланинг бегонаси бўлмайди, деган нақл бор. Муассасадаги боланинг ҳар бири қалбимиздан алоҳида жой олган, — дейди халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги **Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Фарида Кенжаева**. — Бу ерда яратилган шароит, тарбиячиларнинг ғамхўрлиги ҳам бир мавзу бўлишга арзийди. Баъзи бир оилаларда йўқ имкониятлар «Меҳрибонлик уйи»да мужассам. Ейиш-ичкидан тортиб, касб ва хунарга йўнатирилган тўғараклар болажонлар ихтиёрида. Шунга қарамадан, бу ерда тарбияланётган болаларнинг нигоҳидаги мунг, кўзидаги унсиз изтироб, қалбидаги яширин армонлари юрагингизни тилка-пора қилади. Бирор нотаниш одам келса, «мени олиб кетишга келди», деган ўй ҳар бир боланинг хаёлини тўзғитиб ўтиши табиий. Айримлари ота-онасини танимайди ҳатто.

Тўғри, бу ердаги педагогдан тортиб, ошпазгача улар билан бир оила бўлиб кетган. Ҳар болага алоҳида эътибор ва меҳр кўрсатилади.

Депутат мана шулар ҳақида гапирар экан кўзлари намланди. Ёнига келган ўғил-қизларни маҳкам бағрига босди. Йиғлаганини яширишга уриниб, болаларнинг қизиқишлари, саломатлиги ва эришяётганлари ҳақида сўради.

Ушбу манзарани кузатиб турган эдим, ходимлар ёнимиздаги каттароқ хонага бизни бошлади. У ерда **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти Кенгаши раиси Сайёра Файзиева** тарбияланувчилар билан суҳбатлашди. Йигит-қизлар ўз ютуқлари ҳақида фахр билан гапирди.

Маълум бўлишича, муассасани битирган Шерали Қўчқоров ва Азиз Умаров Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртининг 3-босқич талабаси экан. Келгуси ўқув йилида Виктор Удодов ва Дибёр Юлдашев ҳам мазкур ҳарбий олийгоҳга, Лола Баратова эса Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг психология бўлимига кириш ниятдалигини маълум қилди. Вилоят партия кенгаши раиси нигоҳларида маҳзунлик, табассумида маъносилик сезилиб турган қизни ўзига яқинроқ келишини айтиди. Нега ҳамма



гапирганда у жим турганини сўради.

— Аввало, ўзимни сизга таништирсам, — деди у бироз сукутдан кейин. — **Надежда Шустоваман**. Ёшим 17 да. Бу ерга келганимда жуда ҳам кичкина бўлганман. Шунинг учун ота-онамини танимайман. Уларни яхши кўришни ҳам, ёмон кўришни ҳам билмайман. Ота-она меҳри қанақа бўлишини ҳис қилгим келади. Шунда уларни соғинаман, ҳаммадан яшириб йиғлаб ҳам оламан. Лекин ташлаб кетишганини ўйласам, ота-онамга нисбатан нафратни сезаман. Нега керакмас бўлсам, дунёга келтиришди? Ота-онаси билан яшайдиган тенгдошларимдан қаерим кам, деб хафа бўламан...

Болагимдан спортга қизиқаман. Мунтазам равишда енгил атлетика билан шугулланиб келаман. Ушбу спорт тури бўйича Осмё чемпионга бўлганман. Бунинг учун аввало, устозларимдан, бизга шароит яратиб берган давлатимиздан чексиз миннатдорман. Келажақда, албатта, катта-катта чемпио-

натларда голиб бўламан. Ҳамманинг ҳаваси келадиган спортчи бўлганимда, ота-онамининг назарига тушарман...

— Сўхбат яна бир муддат давом этди. Шу кун Ибодат Коимова, Александр Сабанин, Александра Душенова, Шавкат Пардаев, Александра Зайцева ва Алишер Таиров қайси касбга қизиқишлари тўғрисида гапирди. Устоз, Хосият Саидова раҳбарлик қилаётган «Чевар қизлар» тўғаранинги фаол аъзолари Альбина Раҳматова, Моҳиғул Назарова, Мухлиса ва Чарос Йўлдошева, Севинч Раимқуллова, Нина Ламанова, Дибёр Аширматова, Зилола Тўхтаева, шунингдек, «Моҳир қўллар» тўғаранинги бир гуруҳ аъзолари ҳам шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказилган кўргазмаларда ўз ишлари билан қатнашиб, юқори натижаларга эришяётганликларини қувонч билан сўзлаб беришди. Йигит-қизларнинг ҳаёти билан яқиндан танишар эканми, яна қўлба қизиқ маълумотларни билиб олдик.

— Тадбир доирасида «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчилари ҳолидан хабар олишни мақсад қилганмиз, — дейишди **Чирчиқ шаҳар ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси, адлия капитани Гулчеҳра Турсунова ва партия вилоят кенгаши етакчи мутахассиси Юлдуз Жумаева**. — Учрашув давомида уларга меҳр-мурувват кўрсатиш, ота-она, оила муҳитидан узок мурғак қалбларга янада яқин бўлиш, уларнинг қизиқишларини ўрганиш ва рағбатлантиришга уриндик. Имкон қадар ҳар бир бола билан алоҳида ёндашув асосида суҳбатлар ўтказилди. Депутатлар ўтказган қизиқари савол-жавоблар эса болажонларга кўтаринки кайфият бағишлади. Уйлайманки, бу ишимиз яхши аънамага айланади ва бирор-бир санани, тақлифни кутиб ўтирмасдан, ушбу даргоҳга мунтазам келиб тураимиз...

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БИР ХАТ ИЗИДАН

ФЕРМЕРЛАР НОРОЗИ: КИМ ҲАҚ?

«— Мен 1995 йилда туманимизнинг Мевали массивида фермер хўжалиги ташкил этган эдим, — деб ёзади Паст Даргом туманидаги солиқ «Тараққиёт» фермер хўжалиги раҳбари Даврон Ғойимов тахририятга йўллаган шикоят хатига. — Дастлаб 15 гектар ер майдонига иш бошладим. 2019 йилда эса тендерда қатнашиб, голиб бўлганимиз сабаб, сугорилмайдиган ерларимиз 155 гектарга өтди. Тендер натижаси бўйича туман ҳокимининг қарори чиқарилди. Айрим йиллардаги об-ҳаво нуқуллайлигини ҳисобга олмасак, белгиланган режа-топириқларни доимий равишда бажариб келдик.


Бу йил ҳам давлатга пилла топириш режасини ошириб удаладиқ. 78 гектар майдонга галла етиштирдик. 67 гектар майдонга чигит эдик. Жомбой туманидаги «Амин инвест текстель» кластери билан шартнома асосида ишладик. Аммо галла ўрими арафасида туман ҳокими қарори асосида бизнинг барча ерларимизни олиб қўйишди. Сабабини сўраганимизда туман ҳокимлигидагилар бу ҳолни пахта экилган майдонларни ўт босгани билан изоҳлашди. 2019 йил 17 июни кун туман ҳокимининг «Туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасидаги узок муддатли шартнома бекор қилиш ҳақида»ги қарори чиқарилди.

«— Ғўза майдонини ўт босиши бир баҳона холос, — дейди яна бир ариза, солиқ «Анвар-Комила» фермер хўжалиги раҳбари Турсунтош Жўраева. — Чунки, ғўзаларимиз ривожини яхши эди. Текширувчилар ҳулосаси майдонларимизнинг бир қисмигагина тегишли бўлиши мумкин. Қолаверса, бундай камчиликларни тузатиш имкони бор эди-ку!»

— Майли, текширув ўтказган комиссиянинг ишини, туман ҳокими қарорини адолатли ҳам дейлик, — дейди... Даврон Ғойимов. — Лекин бунда ўт босган ғўза даласининг галла майдонига нима алоқаси бор? Биз ана шу майдонда галла етиштириш учун ерни шудорлашдан тортиб, то ҳосилни етиштиргунча оз мунча меҳнат қилганимиз йўқ. Бунда қанчадан қанча ишчиларимизнинг пешона терлари бор. Фермер хўжалигимизнинг тугатилиши амалдаги қонунларга зид равишда эканлиги ҳақида вилоят прокуратураси протест ҳам киритган. Аммо уни негадир туман ҳокимлигидагилар тан олишмаяпти.

Туман ҳокимлигидан тақдим этилган маълумотларнинг далолат беришича, 2019 йилда «Тараққиёт» фермер хўжалиги тегишли галла майдонларидан режадаги 271 тонна ўрнига 298 тонна ҳосил олинган. Ўрим-йиғимни шу пайтга қадар фермер хўжалиқларига молиявий ёрдам кўрсатиб келган «Амин инвест текстель» эмас, «Самарқанд Камалек инвест текстель» кластери амалга оширган. Агар фермер хўжалиги илгаридек фаолият кўрсатиб, ўрим-йиғим ишини ташкил этганда эди, режадан ортиқ 27 тонна ҳосил Даврон Ғойимов бошлиқ «тараққиётчи»лар ҳисобида қоларди. Давлат харид нархларида ҳисобланса, режадан ортиқча олинган галланинг ўзидан 40 миллион сўмдан ортиқ пул уларнинг қўлида бўлиши керак эди. Фаолияти тугатилган Турсунтош Жўраева бошчилигидаги «Анвар-Комила» фермер хўжалигининг галлачилардан олиши лозим бўлган даромади ҳақида ҳам шундай фикр билдириш мумкин.

Фермер хўжалиқлари аъзоларидан бир гуруҳи эса тахририятимизга мак-



туб йўллашди. Жумладан, «Тараққиёт» фермер хўжалиги аъзолари — Э.Назаров, Р.Шерназаров, О.Туропов, Д.Амиров, А.Ғайимов, Х.Алиқуллов, А.Абдукаримов, Х.Хушвақтов, Ш.Хидиров, «Анвар-Комила даласи» фермер хўжалигидан Ш.Жўраев, Д.Жўраев, Л.Жалилов, М.Усмонов қабилар хўжалиқларида бу йил галладан мўл ҳосил олинганлиги, давлат буюртмаси ортиги билан бажарилган, аммо меҳнатларига яраша ҳақ тўлашмагани, бу борада ҳокимлик томонидан ноҳақлик қилингани ҳақида ёзишган.

— Етиштирилган галла ҳосилидан олинмайдиган маблағ ҳисобига тўй қиламан, яна бошқа харажатларни қоплайман, деган ширин орзуларимиз бор эди. Аммо бу орзулар орзулигича қолиб кетди. Бизнинг аразимизга бугун тумандаги бирор бир идора раҳбари қўлқ тутмаяпти, — деб ёзишган улар.

Хўш, бу фермер хўжалиқларини тугатишга туман ҳокимлигини нима мажбур қилди? 2019 йил-

да етиштирилган галла ҳосилида фермерларнинг улушлари бор эдимми?

Бу саволларга туман ҳокимлиги, туман кишлоқ хўжалик бўлими, Агробанкнинг Жума бўлимидан берилган маълумотлардан жавоб излаймиз.

«Тараққиёт» фермер хўжалигида кейинги уч йилда пахтачилик соҳасида белгиланган давлат буюртмаси удаланмаган экан. Режа 2016 йилда 70,3, 2017 йилда 80,7, 2018 йилда эса 30,6 фоизда қолиб кетган. Фаллачилликда эса 2016 йилда белгиланган режанинг удаланишига 1 тонна бугдой етмай қолган. 2017 ва 2018 йилларда давлат буюртмаси бажарилгану, аммо фермер омиберида деярли галла тушмаган.

— Фермер хўжалиқлари галла майдонининг асосий қисмига баҳорда занг касали тушиди, — дейди туман ҳокимининг кишлоқ хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Ҳусан Бўриев. — Бундай вазиятда фермер билан ҳокимлик ўртасидаги шартноманинг бекор қилинишини уларнинг ўзлари яхши билишарди. Бунинг устига ҳар икки фермер ердан ўзбошимчалик билан фойдаланиб, ўртадаги меҳнат шартномаси бажарилишига хилоф равишда иш тутган. Аниқроғи, улар ер майдонларига беда, картошка экиш билан шугулланишган. Фермерлар бундай экинлар ҳосилдан олинган маблағни муттасил ўз манфаати йўлида ўзлаштириб келган.

Хўш, бу ерда ким ҳақ? Бу саволга жавоб топшиш мутасадди идоралар раҳбарларига ҳавола, албатта.

Абдурауф САТТОРОВ, журналист.

ЭЪЛОНЛАР

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ

2019 йил 7 ноябрь кунини бошлангич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидagi очик аукцион савдоларини ўтказадим!

Аукцион савдоларига Тошкент вилоят, Нурафшон ш., Бобур кўчаси, 84-ўйда жойлашган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги 1998 й. и.ч. д/р 01/033УБА, бошлангич нархи 34 604 800 сўм бўлган «KIA SPORTAGE»; Қибрай ТК боғламасига бириктирилган 1998 й. и.ч. д/р 10/822DAA, бошлангич нархи 7 950 400 сўм бўлган «ТИКО» руумли; Тошкент ш., Мирзо Улғабек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 68-А» ўйда жойлашган «YOL-LOYIHA BYUROSИ» М-ФК балансидаги 1998 й. и.ч. д/р 01/416ACA, бошлангич нархи 16 463 500 сўм бўлган «ДА-МАС»; 1998 й. и.ч. д/р 01/724КА, бошлангич нархи 6 964 800 сўм бўлган «ВАЗ-21061»; 1995 й. и.ч. д/р 01/328ACA, бошлангич нархи 11 677 900 сўм бўлган «РАФ-3311»; 2008 й. и.ч. д/р 01/966DCA, бошлангич нархи 5 905 900 сўм бўлган «УАЗ-3909»; руумли авто-транспор-т воситалари қўйилади.

Табелгорлардан буюртномаларни қабул қилиш, расмий иш қиларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кундан 2 (икки) кун аввал соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошлангич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридagi закат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» М-ФКнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалида-

«TOSHKENT UNIVERSAL AUCTIONS SAVDO» МЧЖ АХБОРОТИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2019 йил 15 январдаги 4-5-сонли нашрида аукцион савдоларига қўйилган «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги д/р 01/033УБА бўлган «KIA SPORTAGE»; «ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК Тошкент филиали балансидаги Қибрай ТК боғламасига бирик-

ИСТЕЪДОДЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида миллий маданият-ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатини дунё сахналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган ёшларни Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантириш маросими бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирга маданият ва санъат намояндалари, ижодкор ёшлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари тақлиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Бахтиёр Сайфуллаев ва бошқалар мамлакатимизда маданият ва санъат ривожини йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор соҳа ходимларини гоят мамнун эътибор билан таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майдаги тегишли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мулжалланган чора-тадбирлар дастури», шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 6 апрелдаги «Миллий маданият-ривожига катта ҳисса қўшган санъаткорларни ҳамда ўзбек санъатини дунё сахналарида муваффақиятли намойиш этиб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида истеъдод соҳибларини давлатимиз раҳбари номидан рағбатлантириш кўзда тутилган эди.

Тақдирлаш учун номзодларни саралаб олиш жараёни ҳукумат қарори билан тасдиқланган Низомга асосан уч босқичда бўлиб ўтди. Якуний ҳулосага кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан композиторлар, бастакорлар, санъатшунослар, театр ва кино соҳаси вакиллари, режиссёрлар, балетмейстерлар, мусиқа, хор, рақс, цирк, оркестр, ансамбль ижрочилари, дoston ижрочилари, шоир ва ёзувчилар, музей ҳамда моддий ва номоддий маданий мерос объектларини муҳофазалаш соҳасида фаолият кўрсатаётган ходимлар, тасвирий ва амалий санъат вакилларида жами 20 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан рағбатлантирилди.

Уларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробаридаги пул муқофотлари, гуллар ва сертификатлар тақдим этилди.

— Санъат ва маданият ривожини йўлидаги бундай улкан эътибор биз, ижодкор зиёлиларни янада фаол бўлишга, ёшлар тарбиясини йўлидаги масъулиятни теранроқ англашга ундайди, — деди Самарқанд вилояти Пайрағчи туманидаги 28-болалар мусиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Тиркшайб Муродимов. — Жорий йилнинг 30 сентябрь кунини эълон қилинган болалар мусиқа ва санъат мактаблари раҳбар, ўқитувчи ва концертмейстерлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини такомиллаштиришга оид қарор эса биз, педагогларни янада руҳлантиради.

Тадбирда сўзга чиққанлар юксак эътибор ва рағбат учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон врачлар ассоциацияси Қашқадарё вилоят бўлими раҳбари, тиббиёт фанлари номзоди **Акрам АКБАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Гувоҳнома № 005357

Гувоҳнома № 005357

Китоблар учун сарфланган ҳар қанча вақт ёки маблағ албатта бир кун чуқур билим, мустақкам ирода ва собит характер бўлиб ўзимизга қайтади.



БЕШ ҚИТЪА ПОЛВОНЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Термизда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун кураш бўйича ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий XIV халқаро турнир якунланди.

Мамлакатимизда ҳар икки йилда ўтказилаётган мазкур турнирда бу йил жаҳоннинг 48 давлатидан 200 га яқин полвон иштирок этди.

Термиз шаҳридаги "Алпомиш" ўйингоҳи томошабинлар билан тўлди. Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов халқаро турнирнинг тантанали очилиш маросимиде сўзга чиқиб, Президентимиз раҳнамолигида курашни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталди ва иштирокчиларга муваффақиятлар тилади. Анъанавий турнир очик, деб эълон қилди.

Шундан сўнг Ватанимиз мадҳияси янграб, давлатимиз байроғи кўтарилди. Ёшлар, таниқли санъаткорлар ижросида куй ва қўшиқлар янгради. Чанқовуз садоси оламни тудди. Бахшлар айтишуви меҳмон музолиқларга манзур бўлди.

Дастлаб ёш ва фахрий полвонларнинг кўргазмали чиқишлари намойиш қилинди. Кейин эса учта гиламда беллашувлар бошланди. Унда ўғил болалар 55, 66, 73, 81, 90, +100 килограмм вазн тоифасида куч синашган бўлса, қизлар 48, 57, 70, +78 килограммда голиблик учун курашга киришди.

Совринли уринлар учун кураш Республикаимиз вакиллари ва Вьетнам, Индонезия, Греция, Ҳиндистон, Хитой, қўшни Қозғистон ва Тожикистон ўртасида кенди.

— Йигирма йилдан буён ушбу мусобақаларда иштирок этаман, — дейди мусобақа бош ҳаками, кураш халқаро ассоциацияси ҳакамлар ҳайъати раиси Рави Капур жаноблари. — Ўзбекистон иккинчи ватанимга айланган. Курашни қанчалик севсам, навқирон диёрингиз ҳам юрагимга шунчалар яқин бўлиб қолган.

Ҳиндистонда ҳам курашнинг оммавийлигини таъминлашга ҳаракат қилаяймиз. Кураш эндиликда Бутунҳиндистон мактаб ўйинлари дастурига ҳам киритилгани унинг ихлосмандлари йил сайин ортаётганидан далолат беради.

— Аввал ҳам бир неча марта Ўзбекистонда бўлганман, — дейди бразилиялик фахрий меҳмон, кураш бўйича жаҳон чемпиони Александр Касурагий. — Ўз даврида Термиз гиламларида кураш тушганим бугун кўз олдимда гавдаланди. Бу миллий спорт тури кишига завқ-шавқ беради. Шукки ўзгача бўлгани учун ҳам миллионлаб мухлис ихлосмандларга эга бўлди. Келажакда мазкур турнир яна келмоқчиман.

— Мусобақага қитъамиздаги ўнга яқин давлатдан 30 дан ортик полвон ва мутахассис ташриф бурди, — дейди Африка кураш конфедерацияси бош ко-

тиби Жиан Офакэм Энанак жаноблари. — Ҳозирги кунда кураш Гаити, Камерун, Нигерия, Конго, Непал ва бошқа мамлакатларда ҳам ривожланмоқда. Кўплаб ёшларимиз аллақачон унинг сир-асрорларини мукамал ўрганган бўлса, яқин келажакда уларнинг сафи янада кенгайишига ишонаман.

Турнирнинг иккинчи куни гиламга мутлақ вазн тоифасидаги полвонлар чиқишди. Дастлабки бахсларданок Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Беларусь, Эрон, Аргентина, Грузия ва Тожикистон Республикаларидан келган алп йигитлар мутлақ вазнда асосий даъвогар эканлиги маълум бўлди. Қизгин ва муросасиз кечган беллашувларда учинчи ўрин тожикистонлик Дадахон Қурбоналиев ва эронлик Жафарий Пахловонийларга насиб этди.

Бош соврин учун Ўзбекистоннинг икки номдор полвони Болтабой Болтаев ва Муҳсин Ҳисомиддинов гиламга чиқишди. Қизгин кечган баҳс якунида Болтабой Болтаев устун келди ва ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб ўтказилган бу йилги турнирнинг мутлақ голиби, деб топилди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, журналист.

КИТОБ – БЕБАҲО ХАЗИНА, МАЪНАВИЙ БОЙЛИК

Пойтахтимизда 2-4 октябрь кунлари "Tashkent Book Fest" халқаро китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида "Ўзэкспомарказ" Миллий кўргазмалар мажмуасида "Tashkent Book Fest" номли халқаро китоблар кўргазмаси ўтказилди.

Кўргазма иштирокчилари, айниқса, ёшлар мазкур ярмаркада хорикий ва маҳаллий нашриётлар томонидан тақдим этилган минта яқин янги ва нодир китоблар билан яқиндан танишиш, чет эл ва ўзбек адабиёти намояндалари, сўзи ва қалами ўткир муаллифлар билан учрашиш имконига эга бўлди.

— Мен бу каби кўламли кўргазмада биринчи марта иштирок этишим. Китоб ўқиш жону дилим. Айниқса, бадий китоблар менга жуда ёқди. Севимли ёзувчиларимиз Абдулла Қодирий, Саид Аҳмад, Уткир Ҳошимовларнинг асарларини яқин кўриб ўқийман. Уларнинг ҳар бир асаридан қаҳрамон танлаб, воқеалар жараёнида ўзимга хулоса чиқараман. Умуман олганда, китоб менинг энг яқин дўстим ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Ташкент Давлат педагогика университети биринчи курс талабаси Динара Тулинова.

Халқаро китоб кўргазмасида ёзуви, шоир, китоб графикаси усталари — моҳир рассомлар билан фикр алмашиш, ўзла-

рини қизиқтирган саволларга жавоб олиш кўпчилик ёшлар учун аввало тажриба, қолверси, ўзига хос маҳорат сабоқлари ҳам бўлди.

— Менинг сеvimли ёзувчим Саид Аҳмад ҳисобланади. Унинг битталига "Уфқ" романи қаҳрамонлари — Икромжон ва Жаннат холянинг ёлғиз фарзанди Турсунбойнинг тақдир шунчалик маҳорат билан ифода-лангани, ўқувчини ўз оламига олиб кетмай қолмайди, — дейди яна бир иштирокчи, Ташкент Давлат юридик университети иккинчи курс талабаси Шоҳжаҳон Йўлдошбоев. — Буни қарангли, шунчалик ардоқда ўсган Турсунбой катта бўлганда ота-онасига раҳмат олиб келиш ўрнига кўрқоқлиги сабабли урушдан қочиб, бир неча йиллар яшириниб юради. Ойнавзор эса турмуш ўр-тонидан яширинча боласи учун жангалзор, қамишзорлар ичида бекиниб юрган ўлтига ношуфта олиб келади...

Бир сўз билан айтганда, китоблар учун сарфланган ҳар қанча вақт ёки маблағ албатта бир кун чуқур билим, мустақкам ирода ва собит характер бўлиб ўзимизга қайтади.

Тадбир сўнггида бир қатор ақиялар ҳамда китоб танловлари ўтказилди.

Умиди НИШОНОВА, ЎЗЖОКУ 2-курс талабаси.



РОССИЯДА ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

тажриба алмашиш, ҳамкорлик ва дўстона алоқаларни мустақкамлашга имкон яратди. Ўзбек кинеси ютуқларини намойиш этди.

Ўтган ҳафтанинг 1-5 октябрь кунлари Россиянинг Москва ва Қозон шаҳарларида «Ўзбек кинеси кунлари» бўлиб ўтди.

Россияда Ўзбек кинеси кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг 2018 йил октябрь ойида бўлиб ўтган учрашуви якунлари бўйича иқтисодий таълимнинг кўплаб соҳаларида дўстлик ва ҳамкорлиқни мустақкамлаш ҳамда 2019-2024 йилларда иқтисодий ҳамкорлик дастурининг қабул қилинган чора-тадбирлари доирасида ўтказилди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги, Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Москва шаҳридаги элчихонаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбир келгусида икки давлат кино санъати намояндаларининг беvosита ижодий ҳамкорлик қилишлари учун кенг йўл очиб беради, десак хато бўлмайди.

Ушбу кино кунларининг хорижда, айнан Россияда ўтказилишидан мақсад ўзбек кинематографиясини оммалаштириш, мамлакатлар, тарихан яқин халқлар ўртасидаги маданий ва дўстона муносабатларни мустақкамлашдан иборатдир.

— Кино кунлари доирасида биз «Ўзбекино» ва Россиянинг йирик кинокомпаниялари ўртасида кўшма кино лойиҳаларини ташкил этиш бўйича қатор меморандумлар турли йилларда яратилган ва айни пайтда Россиянинг «Госфильмофонд»ида сақланаётган ўзбек фильмларини қайтариш бўйича музокаралар ҳам олиб бордик, — дейди Ўзбекистон делегациясига раҳбарлик қилган «Ўзбекино» Миллий агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов. — Мамлака-



тимиз учун бўлғуси кинокадрларни шакллантиришнинг муҳимлигини аниқлаган ҳолда, Ўзбекистон делегацияси таркибига бир гуруҳ иқтидорли ёшлар ҳам киритилди, улар учун ВГИК, «Мосфильм»га таширлардан ташқари Россия кино санъатининг кўзга кўринган усталари иштирокида маҳорат сабоқлари ва тренинглари ўтказилди.

Шунингдек, ҳафталик рус томошабинлари ва у ерда истиқомат қилаётган ўзбек диаспораси вакилларига янги ўзбек кино санъатидан баҳраманд бўлиш, картиналар иқдоркорлари билан суҳбатлаш, ўзбек кинеси тенденциялари билан танишиш имконини берди, деб ўйлаймиз. Дастур доирасида сўнгги йилларда суратга олинган энг яқин профессионал бадий ва ҳужжатли фильмлар намо-

ийш этилди.

Киномухлислар таниқли актёрлар, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар — Матёқуб Матжонов, Фотиҳ Жалолов, Ражаб Адашев, Карим Мирходиев, ёш актёрлар Адиз Ражабов, Ҳусан Рашидов, актриса Феруза Саидовалар ижоди ва фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлди.

«Ўзбекино» Миллий агентлиги Бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов бошчилигида таниқли кинорежиссёрлар Рустам Саъдиев, Умид Ҳамдамов, Сарвар Каримовлар москвалик профессионал кинорежиссёрлар билан кино соҳасидаги алоқаларини ривожлантириш ва ҳамкорликда фильмлар олиш бўйича музокаралар олиб боришди.

Ўз муҳбиримиз.

РЕКЛАМА

ЗАВОД «KRANTAS»

производит и реализует под заказ:



- ▶ Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м3.
- ▶ Водовозы — 4, 8, 12 м3.
- ▶ Вахтовые автобусы 4x4 — 22 мест, 6x6 — 26 мест.
- ▶ Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м3.
- ▶ Кислотовозы — 6, 8, 10 м3.
- ▶ Автогудронаторы — 6, 8 м3.
- ▶ Полуприцепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05. E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

OZBEKISTON OVOZI

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV

Qalandar ABDURAHMONOV

Farrux HAMROYEV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Mahmud TOIR

Muslihidin MUHIDDINOV

To'loq TO'RAXONOV

Shuhrat JALILOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — (71)233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — (71)233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — (71)233-47-80, (71)233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 3421 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 01:10.

Topshirilgan vaqti — 02:20.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Nurullo OSTONOV SAFARILOVCHI-dasturchi: Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5